



Ўзбекистон  
Республикаси  
Олий Мажлисининг  
Сенати

Бирлашган  
Миллатлар  
Ташкилотининг  
Ўзбекистондаги  
Тараққиёт  
Дастури



Uzbekistan

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ,  
ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ,  
УЛАРНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ  
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ  
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

(Амалий қўлланма)

**МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ  
ПО НЕКОТОРЫМ АСПЕКТАМ ОРГАНИЗАЦИИ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОБЛАСТНЫХ, РАЙОННЫХ  
И ГОРОДСКИХ КЕНГАШЕЙ  
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ,  
ИХ ПОСТОЯННЫХ КОМИССИЙ  
И ДЕПУТАТОВ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ  
ОРГАНОВ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ**

(Практическое пособие)





Ўзбекистон  
Республикаси  
Олий Мажлисининг  
Сенати

Бирлашган  
Миллатлар  
Ташкилотининг  
Ўзбекистондаги  
Тараққиёт  
Дастури



*Uzbekistan*

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ,  
ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ,  
УЛАРНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ  
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ  
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

(Амалий қўлланма)

УДК 323.22(575.1)  
ББК 67.400.6 X-22  
КБК 67.400.6

**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишининг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар.** Амалий қўлланма. Муаллифлар: Ф. В. Ким, Б. Ф. Хасанов — Тошкент: 2012. 192 б.

**Масъул муҳаррир:** юридик фанлар доктори, профессор М. Раджабова

**Тақризчилар:** юридик фанлар доктори М. Аҳмадшоева, юридик фанлар номзо-ди И. Беков

Ушбу қўлланма халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрланган. Қўлланмада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ваколатларини амалга ошириш юзасидан йўл-йўриқлар берилган.

Қўлланма халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини таҳлил қилиш яқунларига мувофиқ тайёрлангани билан аҳамиятлидир. Қўлланмада халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари фаолияти чуқур таҳлил этилган бўлиб, уларнинг фаолиятида учраётган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар билдирилган ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича аниқ таклифлар билдирилган.

Мазкур қўлланма халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сенаторлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ходимлари, мутахассислар ва олимлар учун мўлжалланган бўлиб, муҳим амалий аҳамиятга эга.

Қўлланма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури кўмагида тайёрланди. Мазкур қўлланмада ифодаланган фикрлар муаллифларга тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастурининг расмий фикрларини ифодаламайди.

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастурига тегишлидир. Қўлланманинг ҳар қандай тарзда такрорлаш, шу жумладан унинг матнини ахборот-қидирув тизимларида ёки бошқа бирор шаклда жойлаштирилишига ҳамда мазкур нашр кўчирмаларидан фойдаланишга фақатгина ёзма розиликка асосан, манбага ҳавола қилинган ҳолда рухсат этилади.

ISBN 978-9943-4060-3-2

© Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, 2012.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури, 2012.

# МУНДАРИЖА

Сўз боши	7
<b>I бўлим. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари</b>	11
1-боб. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини ташкил этиш ва ўтказиш	11
2-боб. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларининг баённомалари	15
3-боб. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларининг қарорлари	18
4-боб. Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторингни (назоратни) ташкил этиш	24
<b>II бўлим. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари</b>	27
5-боб. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлисларини ташкил этиш	27
6-боб. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларининг баённомалари	32
7-боб. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг қарорлари	34
8-боб. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари қарорларининг ижро этилиши устидан мониторингни (назоратни) ташкил этиш	38
<b>III бўлим. Халқ депутатлари Кенгашининг ишини режалаштириш</b>	40
9-боб. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси	40
10-боб. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режаси	44
11-боб. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режаси	47
<b>IV бўлим. Халқ депутатлари Кенгаши ва фуқаролик жамияти институтлари</b>	50
12-боб. Халқ депутатлари Кенгаши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	50
13-боб. Халқ депутатлари Кенгаши ва оммавий ахборот воситалари	53
<b>V бўлим. Халқ депутатлари Кенгаши депутатларини сайловчилар билан олиб борадиган ишларини ташкил этиш</b>	58
14-боб. Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг сайлов округида ва сайловчилар билан олиб борадиган ишлари	58
15-боб. Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш	71

<b>Иловалар</b> .....	75
● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси тўғрисида»ги 30-II-сонли Қарори .....	75
● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясининг таркиби .....	77
● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси тўғрисидаги низом .....	79
● Халқ депутатлари Кенгаши иш режасининг намунавий шакли .....	83
● Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси иш режасининг намунавий шакли .....	85
● Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессиясининг очилиши тўғрисида халқ депутатлари Кенгаши депутатига юбориладиган хабарноманинг намунавий шакли .....	87
● Халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасининг намунавий шакли .....	88
● Халқ депутатлари Кенгаши сессиясида қатнашаётган депутатлар рўйхатининг намунавий шакли (Халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасига илова) .....	90
● Халқ депутатлари Кенгаши сессиясига таклиф этилган қатнашаётган шахслар рўйхатининг намунавий шакли (Халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасига илова) .....	92
● Халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорининг намунавий шакли .....	93
● Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлис баённомасининг намунавий шакли .....	94
● Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг намунавий шакли .....	95
● Халқ депутатлари Кенгаши депутати шахсий иш режасининг намунавий шакли .....	96
● Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашуви натижалари тўғрисидаги ахборот маълумотномаси .....	97
● Давлат органи раҳбарига юбориладиган депутат сўровининг намунавий шакли .....	98

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари олдига парламент томонидан қабул қилинган қонунларни марказда — ижро этувчи ҳокимият, ҳукумат, жойларда эса ҳокимликлар қандай ижро этаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини амалга оширишдек ғоят муҳим вазифани кўйган эди. Маърузада, шунингдек жойларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат борасидаги ваколатларини амалга оширишнинг қонунда белгиланган ҳуқуқий нормалари ва механизмларидан кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Ушбу чораларнинг якуни ўлароқ, жойлардаги ислохотларнинг самарадорлигини оширишга тўсик бўлаётган жиддий камчилик ва нуқсонлар аниқланиши ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тезкор қарорлар қабул қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Икки палатали парламент ташкил этилган 2005 йилдан бошлаб, минтақалар манфаатини ифода этувчи ҳамда вакиллик вазифаларини бажарувчи орган бўлмиш Олий Мажлиснинг юқори палатаси олдига умумдавлат манфаатлари билан минтақалар манфаатларининг мувозанатини таъминлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. 2005 йилда сайланган сенаторларнинг фаолияти ана шу вазифани ҳал этишга қаратилди. Ҳозирга келиб ҳам узоқ муддатга мўлжалланган ушбу мақсад янги таркибдаги Сенат аъзолари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг олдига кўламдор вазифаларни қўймоқда.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларини ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг роли ва иштирокини ошириш учун Сенат фаолият бошлаган дастлабки кунларданок халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига амалий ҳамда услубий ёрдам бериш мақсадида тизимли ва режали асосда чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Халқ

депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари Сенат қўмиталари томонидан ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирларига, шунингдек Сенат ва унинг Кенгаши қабул қилаётган дастурий ҳужжатларни рўёбга чиқаришга жалб этилиши амалий анъанага айланиб қолди.

Сенат ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари учун вақти-вақти билан семинарлар ташкил этилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг норматив базасини такомиллаштириш мақсадида юқори палата томонидан тавсиялар ва норматив хусусиятдаги бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, 2010 йилда Сенат Кенгаши Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентини ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида намунавий Низомни тасдиқлади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссияларига уларнинг ваколатларини рўёбга чиқаришда амалий ва услубий ёрдам бериш, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, улар доимий комиссиялари раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадларида 2010 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Айтилган вақтда Комиссия тўғрисида тегишли Низом тасдиқланиб, унда Комиссиянинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Комиссия ишининг асосий шакли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб боришдан иборат. Ўтказилган мониторинг натижалари сўнгги йилларда жойлардаги маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ишида ижобий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти сезиларли тарзда жонланган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг, шу жумладан инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурлари, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари амалга оширилиши учун масъул бўлган раҳбарларнинг ҳисоботлари мунтазам эшитиб борилмоқда.

Шу билан бирга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ва улар доимий комиссияларининг ишида ҳали ҳам айрим камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Жумладан, депутатлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзларига бе-



рилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун доимий комиссияларнинг ишида етарлича фаоллик кўрсатмаяпти, доимий комиссиялар ишини режалаштиришда юзаки ёндашув мавжуд, депутатлик корпуси билан оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида мустаҳкам ва самарали ўзаро алоқа ўрнатилмаганлиги сабабли депутатлик назорати етарли натижалар бермаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг янги босқичини белгилаб берди.

Ҳозирги босқичда олиб борилаётган ислохотнинг муҳим хусусияти шундаки, Ўзбекистон демократик принциплар ва умуминсоний қадриятларни асос деб билиб, қатъий иқтисодий ўсиш, сиёсий барқарорлик ва фуқароларнинг турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш орқали мамлакатни модернизациялашни давом эттиришдир. Концепцияда белгилаб берилган ғоялар рўёбга чиқарилишини таъминлаш учун Сенат ўз фаолиятининг устувор йўналишларини ишлаб чиқди ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши зиммасига ушбу Концепция доирасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жойларда оғишмай ижро этилишини назорат қилишни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилган ушбу амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан тўпланган амалиётга оид материаллар ва ахборотлар асосида тайёрланган. Амалий қўлланманинг асосий мақсади халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари ишидаги камчиликларни бартараф этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларига ёрдам беришдан иборат. Амалий қўлланмада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларини ва улар доимий комиссияларининг мажлисларини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг айрим жиҳатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессиялари ҳамда улар доимий комиссиялари мажлислари баённомалари ва қарорларини расмийлаштириш тартиби ёритиб берилган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари қарорларининг ижросини мониторинг қилиш тартиб-таомилини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Амалий қўлланманинг алоҳида бўлимлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши унинг доимий комиссиялари иш режасини тузиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатларининг ўз иш режаларини шаклланти-

риши, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини, сайлов округидаги ишини ташкил этиш масалаларига бағишланган. Амалий қўлланма «депутатлар хоналари»ни жиҳозлашга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг доимий комиссияларида иш юритишга доир тавсияларни ҳам ўз ичига олган. Амалий қўлланманинг охириги боби халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг депутатини чақириб олиш масалаларига бағишланган.

Булардан ташқари, амалий қўлланмада халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари ишини ташкил этишга доир қарорлар, баённомалар, иш режалари ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий нусхалари берилган. Ўйлаймизки, ушбу амалий қўлланма қўйилган вазифаларни, жумладан Президентимиз И. А. Каримов томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига яқиндан ёрдам беради.

Амалий қўлланма сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, олимлар, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ходимларига мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир.

**Юридик фанлар доктори,  
профессор  
М. Раджабова**

## I БЎЛИМ.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ

## 1-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига<sup>1</sup> мувофиқ сессия халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг (бундан буён матнда халқ депутатлари Кенгаши деб юритилади) асосий иш шаклидир.

### Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақиришга ким ҳақли?

Халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбари, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан чақирилади. Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши сессиясини чақириш тўғрисидаги хабар сессия очилишидан камида етти кун олдин халқ депутатлари Кенгаши депутатлари эътиборига етказилади (*3-илова*). Сессия чақириш тўғрисидаги хабарнома билан бирга халқ депутатлари Кенгаши депутатларига танишиб чиқиш учун сессия ҳужжатларининг тўплами тақдим этилиши лозим. Унга қуйидаги ҳужжатлар киритилиши мумкин:

- халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг кун тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги халқ депутатлари Кенгаши қарори лойиҳасининг нусхаси;
- халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг кун тартибига киритилган масалалар бўйича халқ депутатлари Кенгаши қарорлари лойиҳаларининг нусхалари;
- халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг қарорлари лойиҳаларига илова қилинадиган материаллар (ахборот ва таҳлилий материаллар, маълумотномалар, жадваллар, схемалар ва бошқалар).

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., № 9, 320-модда.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини ўтказиш даврийлиги қандай?**

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари заруратга қараб биров, йилига камида икки марта ўтказилади. Мамлакатимизнинг айрим минтақаларида халқ депутатлари Кенгаши томонидан йил давомида тўрт марта, баъзан эса ундан ҳам кўп марта сессиялар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳоким ташаббуси билан халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари иштирокида ўтказиладиган ишчи мажлислар ёки йиғилишлар халқ депутатлари Кенгашининг сессияси ҳисобланмайди. Халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари бундай тадбирларда халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари сифатида эмас, балки корхона, муассаса, ташкилот ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари сифатида иштирок этадилар.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида раислик қилишга ким ҳақли?**

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбари, у йўқлигида эса, халқ депутатлари Кенгашининг қарорига кўра ёхуд ҳоким топшириғига кўра, халқ депутатлари Кенгашининг депутатларидан бири раислик қилади. Халқ депутатлари Кенгашининг депутатларидан бирини сессияда раислик қилувчи сифатида сайлаш тўғрисида халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари томонидан тегишли қарор қабул қилинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳоким томонидан тайинланган шахс халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида раислик қилувчи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ҳоким вазифасини бажарувчи шахс халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари томонидан мазкур халқ депутатлари Кенгашининг раҳбари сифатида сайланмаганлиги учун халқ депутатлари Кенгаши сессияларида раислик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

### **Қандай ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши сессияси ваколатли ҳисобланади?**

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очик ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади. Сўнгги вақтларда энг муҳим масалаларни биргаликда муҳокама қилиш учун кўпроқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг кенгайтирилган сессияларини

ўтказиш амалиёти қўлланилмоқда. Мазкур сессияларга, қоида тариқасида, вилоят ҳудудида жойлашган халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари раҳбарлари ва халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари таклиф этилади.

### **Халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида қандай масалалар кўриб чиқилиши мумкин?**

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгашининг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

- ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;
- қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;
- ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини тинглаш;
- «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;
- халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш;
- қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;
- ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;
- халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- ҳокимнинг ва қуйи халқ депутатлари Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;
- ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатларини ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалардан ташқари халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида қуйидагилар кўриб чиқилиши мумкин:

1.	Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида раислик қилувчини сайлаш (халқ депутатлари Кенгашининг раҳбари бўлмаган ҳолларда);
2.	Сиёсий партия раҳбарининг тегишли аризаси ва сиёсий партиянинг таъсис ҳужжатлари асосида сиёсий гуруҳларни рўйхатга олиш;
3.	Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг депутатлик вазифаларини бажариши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари раҳбарларининг доимий комиссия томонидан муайян даврда қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
5.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисларида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисларида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида сенаторларнинг ахборотларини эшитиш;
6.	Тасдиқланган умумдавлат дастурларига мувофиқ қабул қилинган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ижроси ҳақида ҳоким ёки унинг ўринбосарлари ҳисоботини (ахборотини) эшитиш;
7.	Прокурорларнинг қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги йиллик ахборотини эшитиш;
8.	Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида, шунингдек Сенатнинг, Сенат Кенгашининг қарорларини ижросига тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилиниши мумкин. Масалан:

№	Сенат қарорининг номи	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига берилган тавсияларнинг мазмуни
1.	Сенатнинг 2010 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисида»ги 116-II-сон Қарори	...вакиллик ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасининг қоидалари ва хулосаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масалани ва ушбу Қарорни кўриб чиқиш;

№	Сенат қарорининг номи	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашига берилган тавсияларнинг мазмуни
2.	Сенатнинг 2010 йил 3 декабрдаги «2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги 119-II-сон Қарори	...2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг иш ўринлари ташкил этишнинг тегишли ҳудудий кўрсаткичлари бажарилишига доир қисмини бажариб боришини мунтазам равишда ўз сессияларида кўриб борсинлар, белгиланган параметрлардан орқада қолинган тақдирда иш ўринлари ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичларини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни кўрсинлар.
3.	Сенатнинг 2011 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги 181-II-сон Қарори	...атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2008–2012 йилларга мўлжалланган ҳудудий ҳаракат дастурларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишига қўмаклашсин.

## 2-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ СЕССИЯЛАРИНИНГ БАЁННОМАЛАРИ

Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомаси, энг аввало, халқ депутатлари Кенгашининг сессияси ўтказилганлиги, халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида қарор қабул қилинганлиги фактини қайд этганлиги учун ҳам зарур ҳужжатлар сирасига киради. Бугунги кунда халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасини расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича Йўриқнома»да белгиланган. Бундан ташқари, халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасини расмийлаштириш тартиби халқ депутатлари Кенгашининг регламенти билан ҳам белгиланади.

## Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасида қандай маълумотлар аке этади лозим?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сон Қарори билан тасдиқланган «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти»га мувофиқ сессия баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

- халқ депутатлари Кенгашининг номи, сессиянинг тартиб рақами (чақирик доирасида);
- сессияни ўтказиш вақти, санаси ва жойи ҳамда сессия кун тартиби;
- ҳозир бўлган ва қатнашмаётган Кенгаш депутатларининг сони, шунингдек таклиф этилган шахсларнинг сони;
- сессия муҳокамасига киритилган ҳар бир масала юзасидан ҳар бир маърузачи ва қўшимча маърузачининг фамилияси ҳамда лавозими;
- музокараларда сўзга чиққан, шунингдек маърузачилар ва қўшимча маърузачиларга сўровлар йўллаган ёки саволлар берган (ёзма ёки оғзаки шаклда) халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг фамилиялари, сайлов округларининг рақами ва лавозимлари;
- қабул қилинган қарорлар рўйхати ва «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетаарафман» деб берилган овозлар сони.

**Изоҳ:** Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси иш бошлаган сана баённома санаси ҳисобланади. Баённома рақами бўлиб сессия тартиб рақами ва чақирик рақами ҳисобланади, масалан: 14/1. Баённома сарлавҳаси «Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгашининг сессияси» тарзида ёзилади. Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси баённомасида куйидагилар кўрсатилади: сессияни очиб берган халқ депутатлари Кенгаши депутати исмининг ва отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси, халқ депутатлари Кенгаши сессияси котиби исмининг ва отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси, сайлов округи, муҳокама этиладикан масалалар (ушбу масалалар бўйича маърузачи ва қўшимча маърузачилар исмининг ва отаси исмининг бош ҳарфлари, фамилияси кўрсатилган ҳолда) санаб ўтилган сессия кун тартиби ҳамда регламент.

Баённомада халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг кун тартибига киритилган масалаларнинг моҳияти очиб берилади, халқ депутатлари Кенгашининг сессияси давомида қилинган чиқишларнинг қисқача мазмуни баён этилади, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари қайд этилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасининг матни кириш ва асосий қисмлардан иборат бўлади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасининг кириш қисмида халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг умумий сони ва халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг ишида иштирок этган халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг сони, таклиф этилган давлат органлари мансабдор шахсларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаро-



ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг умумий сони кўрсатилади.

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида иштирок этиш халқ депутатлари Кенгаши депутатининг бурчидир. Шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ халқ депутатлари Кенгашининг депутати халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгашининг раҳбарига олдиндан хабар қилиши шарт. Мазкур шартни бажармаганликни, худди шундай халқ депутатлари Кенгаши депутатининг узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаслигини депутатлик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш деб баҳолаш мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасининг асосий қисми кун тартибининг бандлигига мувофиқ бўлимларга бўлинади. Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомаси ҳар бир бўлими **ЭШИТИЛДИ — СЎЗГА ЧИКИЛДИ — ҚАРОР ҚИЛИНДИ** тарзида тузилади. Бунда халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорининг мазмуни баённомага киритилмаслигини ёдда тутиш керак. Шундан сўнг хатбошидан овоз бериш жараёни баён этилади, унда «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деб овоз берган халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг сони кўрсатилади. Агар уларнинг барчаси «ёқлайман» деб овоз берган бўлса, «бир овоздан қабул қилинди» деб кўрсатилади.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасига қандай ҳужжатлар илова қилинади?**

Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясига тайёргарлик кўриш жараёнида турли ҳужжатлар тайёрланади, ушбу ҳужжатлар кейинчалик халқ депутатлари Кенгаши сессияси баённомасининг иловасини таш-

кил этади ёки бўлмаса улардаги маълумотлардан баённома тузишда фойдаланилади. Шундай қилиб, халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасига қуйидагилар илова қилиниши шарт:

- халқ депутатлари Кенгаши депутатлари фамилияларининг рўйхати, сайлов округининг номини ва рақамини кўрсатган ҳолда *(5-илова)*;
- таклиф этилган шахсларнинг рўйхати, улар вакили бўлиб иштирок этаётган муассасада эгаллаб турган лавозимини кўрсатган ҳолда *(6-илова)*.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясига тайёргарлик кўриш жараёнида маърузага чиқувчиларга ўзларининг маърузалари ёки чиқишларининг<sup>2</sup> қисқача мазмунини, шунингдек маърузаларини ёки чиқишларини намуна-

2 Маъруза ва чиқишларнинг матнида ҳужжат номи («Маъруза») кўрсатилиши, маърузага ёки сўзга чиқувчининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган бўлиши керак. Шунингдек, ушбу ҳужжат муаллиф томонидан имзоланган бўлиши керак.

ли мисоллар билан тасвирлаб берадиган ахборот-маълумот ҳужжатларини (жадваллар, чизмалар, иқтисодий ҳисоб-китоблар, маълумотлар ва бошқалар) тайёрлаш таклиф этилади. Маъруза ва чиқишларнинг матнлари қўшимча материаллар билан бирга халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасига илова қилинади. Агарда халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг стенограммаси юритилса, унинг стенограммаси ҳам халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасига илова қилинади. Айрим депутатлар халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида ҳозир бўлмаган (келмаган) ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомасига уларнинг ҳозир бўлмаганлигини (келмаганлигини) асословчи ҳужжатлар (маълумотномалар, хизмат сафари ҳужжатларининг нусхалари ва бошқа шу кабилар) илова қилинади.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомалари ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни имзолаш тартиби қандай?**

Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомаси халқ депутатлари Кенгашининг сессияси ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирмай расмийлаштирилиши ва имзоланиши керак. Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомаси сессияга раислик қилувчи ҳамда халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг котиби томонидан имзоланади. Котиб, шунингдек Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг рўйхати ва Халқ депутатлари Кенгаши сессиясига таклиф этилган шахсларнинг рўйхатини ҳам имзолайди.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессияларининг баённомалари қаерда сақланади?**

Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг баённомаси ҳокимликда сақланади. Сессия баённомаси халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг талабига биноан танишиб чиқиш учун уларга берилиши керак. Халқ депутатлари Кенгаши ёпиқ сессиясининг баённомаси ҳокимликнинг тегишли бўлимида «махфий ҳужжат» белгиси билан сақланади. Халқ депутатлари Кенгаши ёпиқ сессиясининг баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан халқ депутатлари Кенгашининг депутатларини таништириш бевосита ҳокимлик аппаратида «танишдим» мазмунида имзо чекиши орқали амалга оширилади.

## **3-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ СЕССИЯЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши **ҚАРОРЛАР** қабул қилади (*7-илова*). Халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари имзоланган вақтдан эътиборан кучга киради, башарти ана шу қарорда ўзгача тартиб

белгиланмаган бўлса. Халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг қарорларини расмийлаштиришга қандай талаблар қўйилади?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича Йўриқнома»да халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини расмийлаштириш борасида қатор техник талаблар белгиланган. Чунончи, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг лойиҳалари пухта таҳрир қилинган ва белгиланган шаклдаги бланкда қўлда киритилган тузатишларсиз чоп этилган бўлиши кераклиги белгиланган. Халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорининг номи қисқа ва қарорнинг асосий мазмунига мувофиқ бўлиши керак. Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг матни қайд этиш ва фармойиш қисмларидан иборат бўлади. Қайд этиш қисмида халқ депутатлари Кенгаши қарорининг қабул қилиш заруриятини юзага келтирган мақсад ёки асослар ифодаланади ҳамда эришилган ютуқлар кўрсатилиши, танқидий баҳолар берилиши, камчиликлар кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Қайд этиш қисмида, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши қарорининг қабул қилинишига асос бўлган ҳуқуқий ҳужжатга ҳаволалар қилиниши мумкин. Бунда ҳуқуқий ҳужжатнинг барча реквизитлари — ҳужжат тури, ҳужжатни қабул қилган орган, қабул қилинган санаси ва унинг рақами ҳамда ҳужжатнинг тўлиқ номи кўрсатилиши керак.

Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг фармойиш қисмида халқ депутатлари Кенгашининг номи кўрсатилади ва «Қарор қилди» деган сўзлар ёзилади. Фармойиш қисми араб рақамлари билан рақамланадиган бандлар ва кичик бандларга бўлиниши мумкин. Бандларда топшириқлар берилган бўлса, у қуйидаги тузилишга эга бўлади: ким, нима қилиши керак ва уни ижро этиш муддати. Ижрочи сифатида ташкилотлар ва мансабдор шахслар кўрсатилиши мумкин. Агарда, бандда аниқ топшириқлар бўлмаса, унда бандни «тасдиқлансин», «маъқуллансин», «маълумот учун қабул қилинсин» ва бошқа шу каби сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Зарурат бўлганда, халқ депутатлари Кенгаши қарорининг фармойиш қисмида қарорни қабул қилинишига асос бўлган юқори турувчи органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари кўрсатиб ўтилиши мумкин. Юқори турувчи орган ҳужжатининг мазмуни алоҳида бандда «маълумот учун қабул қилинсин» ёки «амал қилиш учун қабул қилинсин» тарзида баён этилади. Илгари қа-

бул қилинган қарорларни ёки уларнинг айрим бандларини бекор қилиш ёки ўзгартириш киритиш зарур бўлса қарорнинг санаси, рақами, номи кўрсатилади ва «... ўз кучини йўқотган деб топилсин» деб ёзилади. Қарорнинг охириги бандларида, одатда, қарорнинг ижроси зиммасига юклатилаётган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши қарорининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси ёки депутати (депутатлар гуруҳи) кўрсатилади, масалан: «Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш ... зиммасига юклатилсин».

Чакирик доирасидаги қарорнинг тартиб рақами, сессия рақами ва чакирик рақами халқ депутатлари Кенгаши қарорининг рақамини ташкил этади, масалан: 81/14-1, бунда 81 — қарорнинг тартиб рақами, 14 — сессия рақами, 1 — чакирик рақами бўлиб ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси ишини бошлаган сана халқ депутатлари Кенгаши қарорининг санаси бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган Йўриқномада батафсил белгилаб берилганига қарамай, халқ депутатлари Кенгаши қарорларида қарорларнинг тартиб рақамини араб рақамларида эмас, балки рим рақамларида берилиши ҳоллари кузатилмоқда.

### **Халқ депутатлари Кенгаши сессияларининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш кимга юклатилади?**

Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг лойиҳаларини тайёрлаш халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда юклатилади.

Мисол учун, маҳаллий бюджетни ёки унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш масаласи бўйича халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини тайёрлаш Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия зиммасига, халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ўз депутатлик мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш масаласи бўйича халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини тайёрлаш эса — Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия зиммасига юклатилади.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишини бошлаш учун асос бўлиб ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг топшириғи ёки халқ депутатлари Кенгашининг қарори ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини тайёрлаш учун доимий комиссия аъзолари ичидан уч-тўрт нафар депутатдан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ фаолиятига, ҳокимлик ходимлари, олим ва мутахассислар, шу жумладан халқ депутатлари Кенгашининг тайёрланаётган қарори

лойихаси фаолиятига дахл қиладиган манфаатдор давлат органларининг вакиллари жалб этилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳаси халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлиси муҳокамасига киритилади. Муҳокама якунида доимий комиссия халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини халқ депутатлари Кенгашининг сессиясига киритиш тўғрисида ёхуд ишчи гуруҳ аъзолари томонидан уни қайта ишлаш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилади. Ишчи гуруҳ аъзолари қарор лойиҳаси бўйича халқ депутатлари Кенгашининг бошқа доимий комиссиялари фикрларини сўраб олиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳаси доимий комиссия раиси томонидан ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига тақдим этилади. Зарур ҳолларда ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбари ўзининг эътирозларини ифодалаб, халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини доимий комиссияга қайта ишлаш учун қайтариши мумкин.

Доимий комиссия раиси ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбари билан келишилган халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини кўпайтириш ва халқ депутатлари Кенгашининг депутатларига материал сифатида юборишни ташкил этиш учун ҳокимликнинг халқ депутатлари Кенгаши сессиясини ташкил этиш ва тайёрлашга масъул бўлган бўлинмасига топширади. Бунда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасига халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси виза кўйган бўлиши керак.

Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳаси халқ депутатлари Кенгашининг депутатларига халқ депутатлари Кенгашининг сессияси очилишидан камида етти кун олдин тақдим этилиши лозим. Халқ депутатлари Кенгаши томонидан қарорни қабул қилиш тартиб-таъмили халқ депутатлари Кенгашининг регламенти билан белгиланади.

### **Халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини эълон қилиш қандай тартибда амалга оширилади?**

Халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини эълон қилиш халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида аҳолини хабардор қилишнинг бир шакли бўлиб ҳисобланади ҳамда халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги принципини рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матни улар қабул қилинган куннинг эртасига ёхуд ҳокимлик муассиси ҳисобланган вилоят, туман, шаҳар газеталари чоп этиладиган кунда эълон қилиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида<sup>3</sup> маҳаллий давлат ҳокимияти органла-

3 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., № 1–2, 8-модда.

ри ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши ҳамда ушбу қарорлар расмий нашрларда эълон қилиниши кераклиги белгиланган. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади. Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини эълон қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқи эмас, аксинча мажбурияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарори<sup>4</sup> билан 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш вазифаси эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган.

«Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида»ги низомга<sup>5</sup> кўра қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак:

- а) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- д) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- е) Қорақалпоғистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилади. Шунга кўра халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида — LexUz да эълон қилиниши лозим.

Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матни оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишидан ташқари халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини таъминлаш зиммасига юклатилган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига юборилиши керак.

Тарқатиш, қоида тариқасида, Халқ депутатлари Кенгашининг қарорини тарқатиш рўйхатига асосан амалга оширилади. Рўйхатни тайёрлаш халқ

4 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., № 8, 47-модда.

5 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., № 37–38, 389-модда.

депутатлари Кенгаши қарорининг лойиҳасини тайёрлаган халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси зиммасига юклатилади. Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг матни қарор қонуний кучга киргандан кейин бир кун ичида ижрочиларга юборилиши керак.

Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг матнини тарқатишнинг яна бир шакли мавжуд бўлиб, бунда маҳаллий телевидение ёки радио ахборот дастурларида халқ депутатлари Кенгашининг қарори ўқиб эшиттирилади. Бундан ташқари, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матни давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу масалани нақадар долзарб эканлигини инобатга олган ҳолда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида ошқораликни таъминлаш мақсадида 2011 йилнинг 12 августида Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонундан келиб чиқадиган талабларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг чора-тадбирлар Дастури»да минтақаларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг веб-сайтларини очиш масаласини кўриб чиқиш белгиланган. Веб-сайтларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларининг, улар доимий комиссияларининг қарорларини, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг назорат-таҳлил фаолияти яқунларини, депутатлар ва сенаторларнинг сайловчилар билан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ахборотларни эълон қилиб бориш режалаштирилган.

### **Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларида қандай умумий камчиликларга йўл қўйилмоқда?**

Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матнларида одатда қатор умумий камчиликларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, кўпгина ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг номи унинг мазмунига мос бўлмайди. Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар қилинганда уларнинг реквизитлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинган санаси ва рақами тўлиқ кўрсатилмайди. Халқ депутатлари Кенгашининг қарорларидаги топшириқлар расмийлик учунгина берилади, яъни топшириқлар аниқ ва тушунарли бўлмайди. Баъзан эса халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида мазкур қарорнинг ижроси зиммасига юклатилган аниқ ижрочилар кўрсатилмайди.

Яна бир жиддий камчилик сифатида халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида баён этилган топшириқларни ижро этиш муддати, ушбу қарорлардаги топшириқлар ижросини таъминлашга масъул бўлган шахсларнинг

белгиланмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса халқ депутатлари Кенгаши қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ёки депутатлари эмас балки ҳокимлик аппаратининг мансабдор шахсларига ёки ҳоким ўринбосарлари — тегишли мажмуалар раҳбарлари зиммасига юклатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ депутатлари Кенгашларининг ўз фаолиятларида бундай камчиликларга йўл қўйишлари халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси билан боғлиқ ишлар самарадорлигига ҳам, депутатларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилмайди.

#### **4-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН МОНИТОРИНГНИ (НАЗОРАТНИ) ТАШКИЛ ЭТИШ**

Халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлаш халқ депутатлари Кенгаши иши самарадорлигининг энг зарур шартларидан бири ҳисобланади. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш биринчи навбатда унинг доимий комиссиялари зиммасига юклатилади. Юқорида қайд этилганидек, амалиётда халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари тимсолида халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари зиммасига эмас балки, ҳоким ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклатилганлик ҳоллари учрамоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқда-ки, ҳозирги кунда нафақат халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишнинг ягона методикаси ишлаб чиқилмаган, балки халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг бу йўналишдаги ишларининг тартиб-таомили ҳам аниқ белгилаб берилмаган. Ҳар ҳолда, бугунги кунда бу соҳадаги ягона расмий ҳужжат бўлиб Сенат Кенгашининг 2009 йил 31 июлдаги Қарори билан тасдиқланган «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши доимий комиссиялари қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишга доир тавсиялари» ҳисобланса керак. Бироқ, ушбу ҳужжат фақатгина халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг мазкур соҳадаги назорат вазифаларини амалга ошириш жараёнининг асосий босқичларини белгилаб берган ҳолос.

Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторингни (назоратни) амалга ошириш жараёнини шартли равишда бир нечта ўзаро боғлиқ бўлган босқичларга бўлиш мумкин.



### **Биринчи босқич**

Мазкур босқичда халқ депутатлари Кенгаши қарорида унинг ижро этилиши ус-тидан назорат қилиш зиммасига юклатилган халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши доимий комиссиясининг мажлиси ўтказилади. Мажлисида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзолари орасидан бу борада тегишли тадбирларни амалга оширадиган икки-уч депутатдан иборат ишчи гуруҳ тузилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси ёки унинг ўринбосари ишчи гуруҳга раҳбарлик қилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Мазкур мажлиснинг ўзида Ишчи гуруҳнинг иш режаси тузилади ва тасдиқланади. Зарур бўлган ҳолларда доимий комиссия раҳбари қабул қилинган қарор тўғрисида ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбарини хабардор қилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси, шунингдек қабул қилган қарорини тегишли вилоят ёки туман (шаҳар) газетасида эълон қилинишини, веб-сайтда жойлаштирилишини (агар мавжуд бўлса) ҳамда маҳаллий телевидение ва радиода қисқа ахборот хабари берилишини ташкил этади.

### **Иккинчи босқич**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида тасдиқланган Ишчи гуруҳнинг иш режасига мувофиқ ишчи гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Кенгаши қарорининг матнини халқ депутатлари Кенгашининг қарорини ижро этиш учун масъул бўлган маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларига расмий равишда етказилишини ташкил этади. Зарур бўлган ҳолларда эса унинг мазмуни юзасидан тушунтиришлар берадилар. Халқ депутатлари Кенгашининг қарорини ижро этиш учун масъул бўлган маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари, қоида тариқасида, халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ўзида аниқ кўрсатилган бўладилар. Кузатув хатида халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши ва натижалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

### **Учинчи босқич**

Ушбу босқичда ишчи гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши натижалари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради. Ижрочи томонидан тегишли ахборот тақдим этилмаган ҳолларда ишчи гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг номидан ижрочиға ахборотни тақдим этиш ва ахборотни ўз вақтида тақдим этмаганлиги сабабини тушунтириб бериш тўғрисида талаб қўйилган хабарномани йўллайдилар. Келиб тушган барча материаллар ишчи гуруҳ томонидан умумлаштирилади ва таҳлил қилинади. Зарурат бўлганда ишчи гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг номидан мансабдор шахслардан керакли материаллар ва ҳужжатлар, шунингдек бошқа маълум-

мотларни сўраб олишга ҳақлидирлар. Иш якуни халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилганлиги ёки ижро этилмаганлиги тўғрисидаги хулосалар баён этилган маълумотнома шаклида расмийлаштирилади.

Ишчи гуруҳ аъзоларида ижрочи томонидан тақдим этилган ахборот юзасидан саволлар туғилган тақдирда, депутатлар унинг ҳаққонийлигини жойларга чиқиб текшириб кўришлари мумкин. Ишчи гуруҳ томонидан тўпланган материаллар халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида тақдим этган ахбороти бўйича тушунтиришлар бериш учун ижрочи-ташкilot раҳбарини таклиф этган ҳолда кўриб чиқилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкilotлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, мутахассислар, жамоатчилик ва хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлиси якунида доимий комиссия хулосасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қарорининг лойиҳасини тайёрлайди ҳамда тўпланган барча материалларни ҳоким — халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига тақдим этади. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси томонидан ўтказилган мониторинг (назорат) натижалари оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

## Тўртинчи босқич

Мазкур босқичда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши якунлари тўғрисидаги масала халқ депутатлари Кенгашининг сессиясига киритилади. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси раҳбари ёки ишчи гуруҳ аъзоларидан бири қилинган ишлар тўғрисидаги ҳамда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши якунлари ҳақидаги ахборот билан халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида чиқиш қилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессиясида, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этиш учун масъул бўлган давлат органи раҳбарининг ҳисоботи ҳам эшитилади. Халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши якунлари муҳокамаси натижасида сессияда янги қарор қабул қилинади.

Халқ депутатлари Кенгашининг ушбу қарорини ижроси устидан назоратни амалга ошириш мониторингни (назоратни) ўтказган халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиясига юклатилади. Мазкур масалаларни муҳокама қилиш жараёнида кўтарилган масалалар халқ депутатлари Кенгашининг ва унинг доимий комиссиясининг кейинги йил учун мўлжалланган иш режаларига киритилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси халқ депутатлари Кенгашининг қарорини тегишли вилоят ёки туман (шаҳар) газетасида эълон қилинишни, веб-сайтда жойлаштирилишини (агар мавжуд бўлса) ҳамда маҳаллий телевидение ва радиода қисқа ахборот хабари берилишини ташкilot этади.

## II БЎЛИМ.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ

## 5-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида депутатлар орасидан халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси ва аъзоларидан иборат таркибда сайланади. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси ўз мажлисларида очик овоз бериш йўли билан халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан раис ўринбосари ва котибини сайлайди. Ҳоким — халқ депутатлари Кенгашининг раҳбари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси таркибига сайланиши мумкин эмас. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширадилар. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ўз ишларини масалаларни коллегиал, очик муҳокама қилиш ва ҳал қилиш, ошқоролик ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари аъзоларининг кенг ташаббускорлиги асосида амалга оширадилар.

### Халқ депутатлари Кенгашида қандай доимий комиссиялар тузилиши мумкин?

Халқ депутатлари Кенгашининг таркибида, қоида тариқасида, бештадан саккизгача доимий комиссия тузилиши мумкин. Чунончи, Сенат Кенгашининг 2010 йил

30 декабрдаги 154-II-сонли Қарори билан тасдиқланган «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида»ги намунавий низомга мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши таркибида, қоида тариқасида, қуйидаги доимий комиссиялар тузилиши мумкин:

- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича;
- қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича;

- ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича;
- ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича;
- саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича;
- аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича;
- регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича.

Зарур ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши томонидан янги доимий комиссиялар тузилиши ва илгари ташкил қилинган доимий комиссиялар тугатилиши, доимий комиссияларнинг таркибига ўзгартишлар киритилиши мумкин.

### **Доимий комиссияларнинг мажлислари қандай тартибда ўтказилади?**

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ўз фаолиятларини мажлис шаклида амалга оширадilar. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлисларини ўтказиш даврийлиги ҳар бир халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинган «Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари тўғрисида»ги низоми билан белгиланади. Сенат Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сонли Қарори билан тасдиқланган «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида»ги намунавий низомида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ойда камида бир марта мажлис ўтказишлари тўғрисидаги қоида белгиланган.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлислари раис, раис йўқлигида эса раис ўринбосарининг ташаббуси билан, шунингдек комиссия аъзолари кўпчилиги томонидан қақирилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлислари, башарти уларда доимий комиссия таркибининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари одатда беш-олти, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари эса — саккиз депутатдан иборат бўлади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Доимий комиссия ёпиқ ёки сайёр мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

### **Доимий комиссияларнинг мажлисларида қимлар иштирок этишига ҳақли?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида мазкур доимий комиссия аъзолари билан бир қаторда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, шунингдек тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг таклиф этилган вакиллари ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисига таклиф этилган шахслар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарор

қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, шунингдек улар раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунилари шарт. Мажлисга таклиф қилинаётган шахсларнинг сони ва таркиби халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси томонидан ҳал этилади.

Мажлисида раислик қилувчи мажлисга таклиф этилган шахслар сони ва таркиби тўғрисида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзоларини хабардор қилади. Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи фақатгина мазкур доимий комиссия аъзоларига тегишлидир. Бунда доимий комиссиянинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга ва муҳокама қилинаётган масала юзасидан «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деб овоз беради.

### **Доимий комиссиялар маж- лисларининг кун тартиби қай тарзда шакллантирилади?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иш режаси халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси билан белгиланган тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилади. Доимий комиссия мажлисининг кун тартибини шакллантиришга асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси иш режаларидаги масалалар;
- халқ депутатлари Кенгаши қарорларида белгиланган масалалар;
- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари аъзолари томонидан таклиф қилинган масалалар.

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари доимий комиссияларнинг ва халқ депутатлари Кенгаши сессияларининг мажлислари муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлаш учун халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари — доимий комиссия аъзолари, шунингдек давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, нодавлат ноτιижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, олим ва мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳлар тузишга ҳақлидирлар. Ишчи гуруҳ таркибига халқ депутатлари Кенгашининг бошқа доимий комиссиялари аъзолари ҳам киритилиши мумкин (келишув бўйича). Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси томонидан тузиладиган ишчи гуруҳ таркибига маълум соҳада зарур касбий билим ва малакага эга бўлган вилоят ҳудудида жойлашган халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши депутатлари, шунингдек Сенат аъзолари киритилиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлислари, қоида тариқасида, ҳокимликнинг маъмурий биносида махсус ажратилган хоналарда ўтказилади. Бу — мажлислар зали ёки депутатлик хонаси бўлиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзосига доимий комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш учун шароит яратиб берилди, унга зарур ҳужжатлар ёки бошқа материаллар олдиндан юборилди. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзолари доимий комиссия мажлиси ўтказиладиган вақт, сана, жой ва кун тартиби тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Сенат ёки унинг Кенгаши қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар (масалалар) ҳам халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлислари муҳокамасининг мавзуси бўлиши мумкин.

Масалан, Сенат Кенгашининг 2010 йил 29 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги 624-I-сонли Қарорининг ижро этилиши ҳақида»ги 709-I-сонли Қарорини бажаришнинг бориши тўғрисида»ги 104-II-сонли Қароридан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг соҳалар бўйича доимий комиссияларига ... минтакаларда ишлаб чиқариш секторини модернизация қилиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги ихчам корхоналар барпо этиш, корхоналарнинг энергия ва ресурслар бўйича самардорлигини рағбатлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда уни модернизация йўналишидаги дастурларни рўёбга чиқаришга жалб этиш ва бошқа масалалар доимий комиссиялар мажлисларида кўриб борилишини, зарур ҳолларда тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг сессиясига кўриб чиқиш учун киритилишини таъминлаш топширилган. Сенатнинг 2011 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақида»ги 182-II-сонли Қароридан эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари соҳалар бўйича тегишинча қўмита ва доимий комиссияларнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳамда ушбу Қарор муҳокама қилинишини таъминлаш юклатилган.

### **Доимий комиссияларда иш юритиш қандай ташкил этилади?**

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияларида иш юритишнинг тўғри йўлга қўйилиши, шу жумладан ҳужжатларнинг аниқ ва тўғри расмийлаштирилиши, уларни тузиш муддатларига риоя этилиши доимий комиссия иши самарали бўлишининг гарови ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларида иш юритиш ўз хусусияти ва мақсадига кўра фарқланадиган турли-туман

хужжатлардан ташкил топади. Хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш масъулияти халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзоларидан бирига, масалан, ҳокимлик аппаратининг бириктирилган ходимлари билан ҳамкорликда доимий комиссияда иш юритиш тизимини йўлга қўядиган доимий комиссия котибига юклатилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг ишлар номенклатураси куйидаги ишларни қамраб олиши мумкин:

1.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг таркиби, доимий комиссия мажлисларида доимий комиссия аъзолари қатнашишининг ҳисоби, доимий комиссия аъзолари фаоллигининг ҳисоби, доимий комиссия аъзоларининг бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари;
2.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режаси, иш режасида белгиланган тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар, доимий комиссиянинг фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот;
3.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисларининг баённомалари, доимий комиссия қарорлари (маълумотномалар, ахборотлар, маъруза ва чиқишлар);
4.	Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши қарорлари;
5.	Халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши доимий комиссиясининг соҳасига мос келадиган халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиясининг қарорлари;
6.	Назорат фаолияти (текширишлар материаллари, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахборотлар, шунингдек доимий комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда доимий комиссиянинг мазкур масалалар юзасидан ёзишмалари);
7.	Фуқароларнинг мурожаатлари (фуқароларнинг хатлари, шикоятлари, таклифлари, уларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда уларга берилган жавоблар);
8.	Чиқувчи хужжатлар;
9.	Кирувчи хужжатлар;
10.	Сенатнинг, Сенат Кенгашининг қарорлари, уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ахборотлар;
11.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг соҳасига алоқадор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив хужжатлари;
12.	Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимларининг халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси фаолиятининг асосий йўналишларига тааллуқли бўлган қарорлари ва фармойишлари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиясининг ишлар номенклатурасида, шунингдек вилоят ҳудудида жойлашган халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгашининг тегишли соҳалар бўйича доимий комиссиялари қарорларининг нусхалари сақланадиган йиғма жилдлар ҳам бўлиши лозим. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий

ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ишлар номенклатурасида халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги йиғма жилдлар бўлиши керак. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҳар бир доимий комиссиясининг ишлар номенклатурасида вилоят ҳудудида жойлашган халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари қарорларининг нусхалари, шунингдек халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгашининг тегишли соҳалар бўйича доимий комиссиялари ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар ҳақидаги йиғма жилдлар бўлиши керак.

## **6-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИНГ БАЁННОМАЛАРИ**

Бугунги кунда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларининг баённомаларини расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш бўйича Йўриқнома»да белгиланган. Бироқ, амалиёт халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиришга оид масалаларни янада батафсил тартибга солиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларининг баённомалари айна бир вақтда доимий комиссия мажлисининг боришини қайд этиб боровчи ҳужжат вазифасини ҳамда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлиси давомида қабул қилинган қарорларни акс эттирувчи ҳужжат вазифасини бажарган ҳоллар ҳам учрайди. Ушбу иккала ҳужжатни бир-бирдан ажратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг мажлис баённомалари, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларининг баённомалари сингари, махсус бланкларда (*8-илова*) расмийлаштирилиши лозим. Масалан, «Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани Кенгаши \_\_\_\_\_ доимий комиссияси мажлисининг баённомаси» ёки «Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ вилояти Кенгаши \_\_\_\_\_ доимий комиссияси мажлисининг баённомаси».

### **Доимий комиссия мажлиси баённомасида қандай маълумотлар бўлиши лозим?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлиси ўтказилган сана халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлиси баённомасининг санаси бўлиб ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг йил да-



вомидаги мажлисининг тартиб рақами баённоманинг рақами бўлиб ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг номи;
- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлиси ўтказилган вақт, сана, жой ва унинг кун тартиби;
- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иштирок этаётган ва иштирок этмаётган аъзоларининг сони, шунингдек таклиф этилган шахсларнинг сони;
- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг кун тартиби, мажлис муҳокамасига киритилган ҳар бир масала бўйича ҳар бир маърузачи ва қўшимча маърузачининг фамилияси ва лавозими;
- қабул қилинган қарорлар рўйхати ва «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деб берилган овозлар сони.

Баённомада халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларнинг асосий моҳияти ёритилади, мажлис давомида қилинган чиқишлар қисқача баён этилади ҳамда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш якунлари қайд этилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлиси баённомасининг матни кириш ва асосий қисмлардан иборат бўлади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлиси баённомасининг кириш қисмида доимий комиссия аъзоларининг умумий сони, мажлисда иштирок этган доимий комиссия аъзоларининг сони ва таклиф қилинган мансабдор шахсларнинг умумий сони кўрсатилади.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлис баённомасининг асосий қисми кун тартиби бандларига мувофиқ равишда бўлимларга бўлинади. Ҳар бир бўлим қуйидаги шаклда тузилади: **ЭШИТИЛДИ — СЎЗГА ЧИҚИЛДИ — ҚАРОР ҚИЛИНДИ**. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси мажлиси қарорининг мазмуни баённомада ёзилмайди. Сўнгра хатбошидан овоз бериш жараёни акс эттирилади — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деб овоз берган депутатлари сони кўрсатилади. Агар ҳамма «ёқлайман» деб овоз берса, «бир овоздан қабул қилинди» деб кўрсатилади.

### **Доимий комиссиялар мажлисларининг баённомаларига қандай ҳужжатлар илова қилинади?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг баённомасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисда иштирок этган ва иштирок этмаган аъзолари рўйхати сайлов округининг номи ва рақамини кўрсатган ҳолда; таклиф этилган шахслар рўйхати улар вакили бўлиб қатнашаётган муассасаларда эгаллаб турган лавозимларини кўрсатган ҳолда; халқ депутатлари Кенгаши доимий

комиссиясининг мажлиси давомида қилинган маърузалар (чиқишлар) матнлари ва бошқа материалларнинг нусхалари илова қилинади. Агар халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида баъзи депутатлар қатнашмаган (ҳозир бўлмаган) бўлса, уларнинг қатнашмаганлик сабабини асословчи ҳужжатлар (маълумотномалар, хизмат сафари ҳужжатларининг нусхалари ва ҳоказолар) ҳам баённомага илова қилинади.

**Доимий комиссия мажлисининг баённомасини имзолаш ҳукуқи кимга тегишли?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг баённомаси уч кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида расмийлаштирилиши ва имзоланиши лозим.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилувчи ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг котиби томонидан имзоланади. Шунингдек, котиб Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси аъзоларининг рўйхати ва Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисига таклиф қилинган шахслар рўйхатини имзолайди.

**Доимий комиссия мажлисининг баённомаси қаерда сақланади?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг баённомаси ҳокимликнинг ташкилий-назорат гуруҳида сақланади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг баённомаси Кенгаш депутатларининг талабига кўра уларга танишиш учун берилиши лозим. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг ёпиқ мажлиси баённомаси ҳокимликнинг тегишли бўлимида «махфий ҳужжат» белгиси билан сақланади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси ёпиқ мажлиси баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан халқ депутатлари Кенгашининг депутатларини таништириш бевосита ҳокимлик аппаратида «танишдим» мазмунида имзо чекиш орқали амалга оширилади.

**7-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорлари, халқ депутатлари Кенгашининг қарорларидан фарқли ўларок, тавсия хусусиятга эга бўлади. Шу билан бирга, Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилиши мажбурийдир. Доимий комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тегишли давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат таш-

килотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва манфаатдор шахсларга юборилади. Бунда ўрганиб чиқиш натижалари ёки кўрилган чоралар ҳақида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясига, агар халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ой муддат ичида хабар берилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорларини ўрганиш натижалари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида, зарурат туғилганда эса халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинади.

### **Доимий комиссияларнинг қарорларини расмийлаштиришга оид қандай талаблар мавжуд?**

Айни пайтда халқ депутатлари Кенгашининг қарорларидан фарқли ўларок, халқ депутатлари Кенгаш доимий комиссияларининг қарорларини расмийлаштириш тартиби қонунчиликда аниқ белгилаб берилмаган. Шунинг учун ҳам бу каби ҳужжатларни расмийлаштириш борасида амал қилаётган тартибни ҳисобга олган ҳолда, доимий комиссияларнинг қарорларини расмийлаштиришга оид асосий талаблар сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин.

Доимий комиссияларнинг қарорлари махсус бланкларда (*9-илова*) расмийлаштирилиши керак. Масалан, «Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) Кенгаши \_\_\_\_\_ доимий комиссиясининг қарори» ёки «Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ вилояти Кенгаши \_\_\_\_\_ доимий комиссиясининг қарори». Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорларининг матни пухта таҳрир қилинган ва бланкларда босма ҳарфларда ёзилган бўлиши лозим. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг номи қисқа ва асосий мазмунга мос бўлиши шарт.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг матни қайд этиш ва фармойиш қисмларидан иборат бўлади. Қайд этиш қисмида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарори қабул қилиниши учун сабаб бўлган мақсад ёки асослар баён этилади. Қайд этиш қисми қарор қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳуқуқий ҳужжатга ҳаволадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бунда ҳуқуқий ҳужжатнинг барча референтлари — ҳужжат тури, ҳужжатни қабул қилган орган, қабул қилинган санаси ва унинг рақами ҳамда ҳужжатнинг тўлиқ номи кўрсатилиши керак.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг фармойиш қисмида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг номи кўрсатилади ва «қарор қилади» сўзлари ёзилади. Фармойиш қисми бандлар ва кичик бандларга бўлиниши мумкин ва улар араб рақамлари билан белгиланади. Агар бандда топшириқ бўлса, у қуйидаги шаклда тузилади: ким, нима қилиши керак, ижро муддати. Ижрочилар сифатида ташкилотлар ва мансабдор шахслар кўрсатилиши мумкин. Агар бандда аниқ топшириқ бўлма-

са, унда бандни «тасдиқлансин», «маъқуллансин», «маълумот учун қабул қилинсин» ва ҳоказо сўзларни қўллаган ҳолда ифодалаш мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг фармойиш қисмида, зарурат туғилганда, ушбу қарор қабул қилинишига асос бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар санаб ўтилиши мумкин. Бунда ҳуқуқий ҳужжатининг мазмуни мустақил банд кўринишида баён қилинади ва «эътиборга олинсин», «амал қилиш учун қабул қилинсин» деб кўрсатилади. Қарорнинг охирида унинг бажарилишини назорат қилиш зиммасига юклатилган халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзоси кўрсатилади.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг тартиб рақами доимий комиссия қарорининг рақами бўлади. Мажлис рақами араб рақамларида кўрсатилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг санаси этиб мажлис иш бошлаган сана белгиланади.

### **Доимий комиссиялар қарорларининг лойиҳаларини тайёрлаш кимнинг зиммасига юклатилади?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг лойиҳасини тайёрлаш доимий комиссия аъзоларининг зиммасига юклатилади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини тайёрлаш учун доимий комиссия аъзолари орасидан халқ депутатлари Кенгашининг уч-тўрт нафар депутатидан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ ишига ҳокимлик ходимлари, олимлар ва мутахассислар, шу жумладан халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарори фаолиятига тегишли бўлган давлат органларининг вакиллари жалб қилиниши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган қарор лойиҳаси халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида муҳокамага қўйилади. Муҳокама натижаларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси қарор қабул қилади. Ишчи гуруҳ халқ депутатлари Кенгашининг бошқа доимий комиссияларидан фикр сўраб олиши мумкин.

### **Доимий комиссиялар қарорларини эълон қилиш қандай тартибда амалга оширилади?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг қарорларини эълон қилиш ҳам халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини эълон қилиш каби, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида аҳолини хабардор қилиш шакллари сирасига киради.

Халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари сингари, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорлари қайси ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан қабул қилинган бўлса, шу ташкилотлар ва фуқароларга юборилиши лозим. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қаро-

рининг матнини тарқатишнинг яна бир шакли мавжуд бўлиб, бунда маҳаллий телевидение ёки радиода доимий комиссиясининг мажлисида муҳокама қилинган масалалар моҳияти ва қабул қилинган қарорлар ҳақида ахборот хабарлари берилади, шу жумладан қарор матни ўқиб эшиттирилади. Бундан ташқари, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг матни давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш мумкин.

Бундан ташқари, муайян ҳудуд халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг бошқа ҳудуд халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ўзаро хабардорликлари даражасини ошириш мақсадида, доимий комиссияларнинг иш тажрибасига халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг қарорларини шу вилоят ҳудудида жойлашган халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг тегишли соҳалар бўйича доимий комиссияларига жўнатиш амалиётини жорий этиш зарур. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қарорлари шу вилоят ҳудудида жойлашган халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг тегишли тармоқ доимий комиссияларига маълумот учун жўнатилиши мумкин.

### **Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг қарорларида қандай умумий камчиликларга йўл қўйилмоқда?**

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари қарорларининг матнида, одатда, қуйидаги бир қатор камчиликлар учрайди ва бу камчиликлар халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига ҳам хосдир. Хусусан, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг номи унинг мазмунига мувофиқ эмас. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорларининг матнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинганда, уларнинг қабул қилинган санаси ва рақами каби реквизитларининг ҳаммаси кўрсатилмайди. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорида мавжуд бўлган топшириқлар мавҳум ёки расмиятчилик хусусиятига эга, яъни топшириқлар аниқ ва тушунарли бўлмайди. Баъзан мазкур қарорларда уларни бажариш зиммасига юклатилган аниқ ижрочилар кўрсатилмайди. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорларида баён этилган топшириқларни бажариш муддатининг йўқлиги, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг қарорлари кўриб чиқилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун масъул шахслар кўрсатилмаслиги; халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясига халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорларини кўриб чиқиш якуналари тўғрисида ахборотни тақдим этиш тартиби йўқлиги жиддий камчиликлар сирасига киради.

## 8-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН МОНИТОРИНГНИ (НАЗОРАТНИ) ТАШКИЛ ЭТИШ

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартибини шартли равишда ўзаро боғлиқ бир неча босқичга бўлиш мумкин.

### Биринчи босқич

Биринчи босқич халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини тўғри ва аниқ ифодалашдан бошланади. Бунда топшириқлар аниқ берилган бўлиши, топшириқларнинг ижро этилишини аниқ муддатлари белгиланиши, ижрочилар кўрсатилиши ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи, уни ижрочиларга етказувчи ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилувчи халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзоси ёки аъзолари гуруҳи кўрсатилиши керак. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарориди ушбу қарорнинг ижро этилиши якунлари бўйича ахборот тақдим этиш муддатлари кўрсатилган бўлиши шарт.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида у халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини бажариш вазифаси зиммасига юклатилган ташкилотнинг раҳбарига жўнатилиши лозим. Илова хат халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда ҳокимликда рўйхатга олинади. Ҳокимликда халқ депутатлари Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар қайд қилинадиган алоҳида китоблар бўлиши керак. Ушбу илова хатда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини кўриб чиқиш ёки ижро этиш натижалари тўғрисида ахборот бериш муддати ҳам кўрсатилган бўлиши лозим. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар ҳисобини юритиш мазкур доимий комиссиялар котибларининг зиммасига юклатилади.

### Иккинчи босқич

Иккинчи босқич давомида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг масъул аъзолари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини кўриб чиқиш ёки ижро этиш якунлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирадилар, зарур тушунтиришлар берадилар. Зарурат туғилганда, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини бажарилиши жараёнини текшириш учун жойларга чиқадилар.

Агар халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини кўриб чиқиш ёки бажариш якунлари тўғрисида маълумот белгиланган муддатда

тақдим қилинмаган бўлса, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси раисининг имзоси билан ижрочига хабарнома жўнатилиши керак. Зарурат бўлса, доимий комиссия ижрочи ташкилотнинг мансабдор шахсларидан керакли материаллар ва ҳужжатларни, шунингдек бошқа маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга. Иш якунлари бўйича маълумотнома тузилиб, унда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарори бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги ҳақида хулосалар акс этади.

### **Учинчи босқич**

Учинчи босқичда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг бажарилиши якунлари тўғрисидаги ҳужжатлар доимий комиссия мажлисида кўриб чиқилади. Мажлисга ижрочи ташкилот раҳбари таклиф этилади ва у ўзи тақдим қилган ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, илмий муассасалар вакиллари, мутахассислар ва олимлар, жамоатчилик ва хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари ҳамда матбуот, телевидение, радио вакиллари таклиф қилиниши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг якунлари бўйича қарор қабул қилинади. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисининг якунлари тўғрисидаги, ишчи гуруҳнинг иш натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган батафсил ахборот тегишли ҳудудда чоп этиладиган оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаса ёки у тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, ёхуд ташкилот раҳбарияти томонидан халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорини бажаришга тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф қилиш чоралари кўрилмаган бўлса, доимий комиссия ушбу масалани халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг муҳокамасига киритиши ёки доимий комиссия аъзолари томонидан депутат сўрови йўллаш масаласини кўтариши мумкин.

### III БЎЛИМ.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### 9-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ИШ РЕЖАСИ

Халқ депутатлари Кенгашининг иши ҳар йили халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдиқланадиган Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига мувофиқ амалга оширилади (*1-илова*). Халқ депутатлари Кенгашининг кейинги йил учун иш режаси олдиндан, яъни жорий йил декабрь ойининг сўнгги ўн кунлигидан кечиктирмасдан тасдиқланиши лозим. Янгидан ташкил этилган халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси тасдиқланадиган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолда халқ депутатлари Кенгашининг йиллик иш режаси жорий йилнинг биринчи чораги тугамасдан тузилиши керак бўлади.

Халқ депутатлари Кенгашининг ишини режалаштириш халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ишини самарали таъминлашда муҳим ўрин тутди. Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид энг муҳим масалаларни ҳал этиш борасидаги ишининг самараси ҳам халқ депутатлари Кенгашининг иши қанчалик пухта ва сифатли режалаштирилганлигига боғлиқдир. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига киритилаётган тадбирлар нафақат долзарб, балки бажара олиш мумкин бўлиши ҳам жуда муҳимдир. Шунинг учун халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига ўз таклифларини тайёрлашда фақат тадбир мақсадини тасаввур этибгина қолмасдан, балки бу тадбирларни амалга ошириш қандай натижаларга эришишга олиб келишини ҳам аниқ тасаввур қилишлари керак.

Халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси мазмунан аниқ бўлиши, унда тадбирларни бажариш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилиши зарур. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузишда унинг бажарилишини таъминлайдиган (назорат қиладиган) халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг таклифларини, умумдавлат дастурлари нуктаи назаридан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари олдида турган умумий вазифаларни ҳамда ҳокимлик аппарати таркибий бўлинмаларининг иш режаларини ҳисобга олиш керак. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузишда мазкур вилоят халқ депутатлари Кенгаши депутатла-



ри орасидан сайланган сенаторларнинг таклифларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Мисол учун, мамлакатнинг баъзи ҳудудларида сенаторларни ёки халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатларини туман ва шаҳарларга бириктириб қўйиш амалиёти мавжуд. Шунинг учун уларнинг туман ва шаҳарларда олиб борган фаолиятларининг яқунларини қамраб олган таклифлари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг иш режасини ҳам, улар бириктирилган туман ва шаҳарлар ҳудудида жойлашган халқ депутатлари Кенгашларининг иш режасини ҳам янада мақсадга йўналтириб тузишга имкон беради. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузиш тартибини бир неча ўзаро боғлиқ босқичларга бўлиш мумкин.

### **Биринчи босқич**

Келгуси йил учун халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузиш халқ депутатлари Кенгаши ва доимий комиссияларининг жорий йилдаги ишига ҳулоса чиқаришдан бошланади. Бу мақсадда халқ депутатлари Кенгашининг раҳбари бўлган ҳоким томонидан халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари ва ҳокимлик аппаратининг тегишли ходимларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳ халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иш режаларида кўзда тутилган тадбирлар ижроси яқунлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради. Шунингдек, ишчи гуруҳ умумдават дастурлари ҳамда Сенат ва Сенат Кенгашининг маҳаллий давлат органларига топшириқлар мавжуд бўлган қарорлари асосида ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини бажариш натижаларига ҳам яқун ясайди. Бунда амалга оширилмаган тадбирларни аниқлаш ҳамда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ва депутатларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

### **Иккинчи босқич**

Ушбу босқичда, халқ депутатлари Кенгашининг ишига яқун ясалганидан сўнг, ишчи гуруҳ халқ депутатлари Кенгашининг келгуси йил учун иш режасини тузишга киришади. Шу мақсадда ишчи гуруҳ халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир доимий комиссиясидан, партияларнинг халқ депутатлари Кенгашида ташкил қилинган гуруҳларидан фикр-мулоҳазаларини сўраб олади, тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиради. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузишда халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси натижалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тасдиқланган узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар дастурлари (масалан, Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастури доирасида қабул қилинган қарорлар ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»нинг тармоққа оид ва ҳуду-

дий дастурлари ижросининг бориши), халқ депутатлари Кенгаши сессияларида мансабдор шахсларни эшитиш якунлари ҳам ҳисобга олинади.

### Учинчи босқич

Зарурат туғилганда, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш масаласи халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ишни режалаштириш нафақат халқ депутатлари Кенгаши, балки ҳар қандай ташкилот ишининг самарадорлигини оширадиган амалий усуллардан биридир. Тўғри режалаштириш халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ва халқ депутатлари Кенгашида тузилган партия гуруҳларининг келажакдаги фаолиятининг асосий йўналишларини батартиб белгилаш ҳамда буни ҳисобга олган ҳолда халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ишини тўғри йўлга қўйиш имконини беради. Халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдиқланган иш режаси доимий комиссиялар томонидан ўз режаларини ишлаб чиқишда асос бўлади. Бундай режанинг мавжудлиги халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ва халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари томонидан режадан ташқари тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун тўсиқ бўлмайди.

### Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузишда қандай умумий камчиликларга йўл қўйилмоқда?

Амалиётдан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузиш ва тасдиқлаш бўйича ишлардаги нуқсонлар орасидан кўп учрайдиган қуйидаги камчилик ва хатоларни ажратиш мумкин.

Хусусан, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини кечикиб тасдиқлаш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, халқ депутатлари Кенгашининг 2011 йил учун иш режаси 2010 йилнинг охирида эмас, балки 2011 йилнинг январь-февраль ойларида тасдиқланади. Бошқа ҳолларда, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини таҳлил қилиш натижасида иш режаси юзаки тузилганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин, яъни режада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ҳисобга олинмаган, энг долзарб муаммоларни ҳал этиш назарда тутилмаган. Бундай иш режаларида кўпинча тадбирлар мазмунан мавҳумлик хусусиятига эга бўлиши мумкин. Масалан, халқ депутатлари Кенгашининг бундай иш режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларидан ёки Сенат ва Сенат Кенгашининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этишни назарда тутмайди. Бунинг натижасида халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси кўп жиҳатдан юзаки бўлиб қолади, унинг ижроси эса халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида кўриб

чиқилмайди. Кўп ҳолларда иш режаларида тадбирларни ижро қилиш муддатлари (тадбирларни амалга ошириш санаси ёки оғи) аниқ кўрсатилмайди. Баъзан эса халқ депутатлари Кенгашининг иш режасида аниқ ижрочилар кўрсатилмайди. Баён қилинганлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини қуйидаги йўналишларни ҳисобга олган ҳолда тузиш таклиф қилинади.

I.	Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини, шу жумладан иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларини, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» ҳудудий дастурларини тасдиқлаш.
II.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иш режаларини тасдиқлаш.
III.	Натижаларини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида кўриб чиқиш назарда тутилган назорат тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.
IV.	Халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш учун масъул бўлган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш.
V.	Ҳар йили вилоят (шаҳар, туман) прокурорининг қонунийликнинг ҳамда жинойатчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни эшитиш.
VI.	Ҳудудий вакиллик палатаси бўлмиш Сенатнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглаш; Сенат ва унинг Кенгаши қарорларида мавжуд бўлган тавсиялар ва топшириқларни амалга ошириш; Сенат кўмиталари билан кўшма тадбирлар ўтказиш.
VII.	Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, шунингдек давра суҳбати, конференциялар, семинарлар ва бошқа тарғибот тадбирларини, шу жумладан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтирувчи тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.
VIII.	Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни ёки халқ депутатлари Кенгашининг иши якунлари тўғрисидаги жамлама ҳисоботни кўриб чиқиш.
IX.	Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ҳисоботларини кўриб чиқиш.
X.	Халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари учун депутатлик мажбуриятларини бажаришда зарур бўладиган кўникмалар кўламини ошириш мақсадида семинарлар ташкил қилиш.

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига йил давомида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига ўзгартишлар киритишда ҳудудни ривожлантириш учун энг долзарб аҳамиятга эга бўлган фаолият йўналишлари ва масалалар ҳисобга олинади.

## 10-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ КОМИССИЯ-СИНИНГ ИШ РЕЖАСИ

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иши, халқ депутатлари Кенгашининг иши каби, режа асосида йўлга қўйилиши лозим. Бу мақсадда халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ҳар йили халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдиқланадиган иш режаларини ишлаб чиқадилар (*2-илова*). Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг келгуси йил учун иш режаси халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси тасдиқланганидан сўнг, халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида тасдиқланиши керак.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузишда Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасида белгиланган тадбирлар ва муддатлар ҳисобга олиниши, яъни доимий комиссиянинг иш режаси Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасидаги тадбирларни мангикан ривожлантириши ва уларнинг бажарилишини таъминлаши керак. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси ўз режасини ишлаб чиқаётганда фаолият соҳаси бўйича йўналишини ҳисобга олиши керак. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳам халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режаси мазмунан аниқ бўлиши, унда тадбирларни бажариш муддати ва доимий комиссия аъзолари орасидан масъул ижрочилар кўрсатилиши шарт. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасига киритиладиган тадбирлар доимий комиссиянинг ваколатларига мос келиши, яъни уларни амалга ошириш қонунчиликда кўзда тутилган ваколатлари доирасидан чиқмаслиги лозим. Иш режасини тузишда халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасидаги тадбирлар халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиясининг тадбирларини такрорламаслиги жуда муҳим.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузишда унинг ижросини таъминлайдиган доимий комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазалари, умумдавлат дастурлари нуктаи назаридан халқ депутатлари Кенгаши олдида турган умумий вазифалар ҳисобга олиниши зарур. Шунингдек, режалаштирилган тадбирларни бажариш имконияти бўлган, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг зиммасига юкланадиган аъзолари эса ташкилотчилик қобилиятига, тегишли тажриба ва билимга эга бўлиши керак. Зарурат туғилганда, режалаштирилган тадбир фаолият соҳасига дахл қиладиган давлат органининг вакили ижрочилар сафига киритилиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузиш тартибини бир неча ўзаро боғлиқ босқичларга бўлиш мумкин.

## Биринчи босқич

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг келгуси йил учун иш режасини тузиш халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси ва аъзоларининг жорий йилдаги ишига якун яшашдан бошланади. Бу мақсадда халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси жорий йилда доимий комиссия томонидан қилинган ишлар, шу жумладан халқ депутатлари Кенгашининг иш режасида ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасида назарда тутилган тадбирларни бажариш якунлари ҳамда халқ депутатлари Кенгаши қарорларини бажариш якунлари ҳақидаги маълумотлар таҳлилини ташкил этишни таъминлайди. Мавжуд бўлганда, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг соҳа йўналишига мувофиқ равишда, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини бажарилишига ҳам якун ясалади. Бунда амалга оширилмаган тадбирларни аниқлашга, бундай аҳволнинг сабабларини билиш ва уларни бартараф этишга, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг ишидаги камчиликларни тузатиш чораларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

## Иккинчи босқич

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қилинган ишларга якун яшаш билан бир вақтда халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси бўйича таклифлар тайёрлайди ва келгуси йил учун ўз фаолиятининг асосий йўналишларини олдиндан белгилайди. Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасини тузиш учун халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзолари ичидан ишчи гуруҳ тузилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузиш фаолиятига халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг соҳаси йўналишига мос келувчи давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, олимлар ва бошқа мутахассислар жалб этилиши мумкин. Бу мақсадда ишчи гуруҳ уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини умумлаштиради. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг ишлаб чиқилган якуний иш режаси тасдиқлаш учун халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилади.

## Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузишда йўл қўйилаётган умумий камчиликлар

Амалиётдан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузиш ва тасдиқлаш бўйича ишлардаги нуқсонлар орасидан кўп учрайдиган қуйидаги камчилик ва хатоларни ажратиш мумкин. Хусусан, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини кечиктириб тасдиқлаш ҳоллари учрайди. Доимий комиссиянинг иш режаси халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида эмас, балки доимий комиссия раиси томонидан тасдиқланган ҳоллар ҳам мавжуд.

Бошқача айтганда, доимий комиссиянинг иш режаси халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари муҳокамасидан ўтказилмасдан тасдиқланади.

Доимий комиссиянинг иш режасини халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдиқлаш зарурати, энг аввало, халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари ва унинг доимий комиссияларининг ваколатлари ўртасида мавжуд бўлган фарқдан келиб чиқади. Масалан, халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорларининг ижро этилиши мажбурий тус касб этиб, унинг доимий комиссиялари қабул қилган қарорлар эса тавсия хусусиятига эга.

Баъзи доимий комиссияларнинг ишида кўп тарқалган камчиликлардан яна бири юзаки, яъни худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш заруратини ҳисобга олмайдиган, энг долзарб муаммоларни ҳал этишни назарда тутмайдиган режалар тузилишидир. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иш режаларида тадбирларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари, яъни тадбирни ўтказиш санаси ёки охи кўрсатилмаслиги ҳамда аниқ ижрочилар белгиланмаслиги ҳолларини ҳам кузатишимиз мумкин. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасини тузишда қуйидаги йўналишларни ҳисобга олиш таклиф қилинади.

I.	Натижалари халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши ва ундан кейин масала халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг муҳокамасига киритилиши назарда тутиладиган назорат тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш.
II.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг мажлисида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг худудий дастурларини амалга ошириш учун масъул бўлган раҳбар ва бошқа мансабдор шахсларнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш.
III.	Сенат қарорларини бажариш, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларида мавжуд бўлган тавсиялар ва топшириқларни амалга ошириш, Сенат кўмиталари билан қўшма тадбирлар ўтказиш яқунлари тўғрисидаги ахборотни эшитиш.
IV.	Оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаш, тушунтириш ишларини олиб бориш.
V.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси аъзолари томонидан қилинган ишлар тўғрисида ҳисоботларни эшитиш ва халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида кўриб чиқиш учун халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш яқунлари тўғрисида ҳисоботни тайёрлаш.

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси каби, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасига ҳам йил давомида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасига ўзгаришлар киритишда худудни ривожлантириш учун энг долзарб аҳамиятга эга бўлган фаолият йўналишлари ва масалалар ҳисобга олинади.

## 11-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ ШАХСИЙ ИШ РЕЖАСИ

Халқ депутатлари Кенгашининг сайланган ҳар бир депутати зиммасига улар сайлов жараёнида берган ваъдаларини оғишмай бажаришидан иборат алоҳида маънавий масъулият юкланади. Шу билан бир қаторда, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг зиммасида уни халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам мажбуриятлари юзага келади. Ҳозирги кунда халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ваколатлари ва мажбуриятлари «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида<sup>6</sup> белгилаб берилган.

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир депутати ўзининг депутатлик ваколатларини самарали бажариши учун, энг аввало, олдида турган ишлар кўламини ҳамда сайловчилар ишончини оқлаш учун айнан ўзи нималарни амалга ошириши лозимлигини аниқ тасаввур қилиши керак. Бунда ўз фаолиятини пухта режалаштириш катта аҳамиятга эга. Режалаштириш халқ депутатлари Кенгаши депутатига ишини батартиб олиб бориш, аниқ стратегия ишлаб чиқиш, эътиборини қаратиши зарур бўлган энг устувор вазифалар ва соҳаларни белгилаб олиш имконини беради. Аниқ ва пухта ўйланган шахсий иш режасининг (*10-илова*) мавжудлиги халқ депутатлари Кенгаши депутатига ўз иш вақтини тежамкорона тақсимлаш ва жамиятга кўпроқ фойда келтириши имкониятини яратади.

Шахсий иш режасини тузаётганда депутатлик фаолиятининг қуйидаги йўналишларини ҳисобга олиш зарур:

- халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида, шу жумладан кўрилаётган масалалар бўйича овоз беришда иштирок этиш;
- халқ депутатлари Кенгашининг ўзи аъзо бўлган доимий комиссияларида ишлаш;
- халқ депутатлари Кенгашида ташкил этилган партия гуруҳида ишлаш;
- депутатнинг сайловчилар билан, уни халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаш.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш билан боғлиқ ишини режалаштиришда, биринчи ўринда, халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасида белгиланган тадбирларни ҳисобга олиш лозим. Бунда режалаштирилаётган тадбирлар бир вақтга тўғри келиб қолмаслиги жуда муҳим. Масалан, халқ депутатлари Кенгаши

6 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 й., № 1, 10-модда.

доимий комиссияси мажлисининг санаси ва вақти халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашув ўтказиш санаси ва вақти билан бир хил бўлмаслиги керак.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати сайловчилар билан сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлашни режалаштираётганда учрашувлар ўтказиш санаси, жойи ва вақтини, бу учрашувларга тайёрланиш зарурлигини ҳамда учрашувлар мавзуини белгилашни ҳисобга олиши керак. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши депутати вақти-вақти билан, бироқ йилга камида икки марта ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор қилиб туриши шарт. Шу туфайли халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режасида бундай тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, шу жумладан халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни тушунтириш билан боғлиқ тадбирлар бўлиши керак. Айни вақтда, жойларда ишлайдиган сенаторлар зиммасига ҳам Сенат ва Сенат Кенгашининг ялпи мажлисларида кўриладиган масалаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш вазифаси юклатилади.

Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш халқ депутатлари Кенгаши депутати фаолиятининг муҳим йўналишидир. Шунинг учун халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режасида унинг телевидение ва радио орқали чиқишларининг аниқ жадвали ва мавзулари, шунингдек халқ депутатлари Кенгашининг депутати даврий матбуот нашрларида чоп этишни мўлжаллаган мақолаларининг номи ва тайёрлаш муддатлари кўрсатилган бўлиши лозим. Бунда чиқишлар ва мақолаларнинг мавзуси халқ депутатлари Кенгаши депутатининг касбий ёки илмий фаолияти билан эмас, биринчи навбатда депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари, аҳолининг ташвишига сабаб бўладиган долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар бундай чиқишларнинг мавзуси бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режаси конференциялар, давра суҳбатлари ташкил этишни ёки халқ депутатлари Кенгаши ёхуд халқ депутатлари Кенгаши жойлашган ҳудуддаги давлат ва нодавлат ташкилотлари уюштирадиган бундай тадбирларда иштирок этишни кўзда тутиши мумкин. Мазкур тадбирларда иштирок этиш депутатга ўз дунёқарашини анча кенгайтириш ва ҳуқуқий билимлари савиясини янада ошириш имконини беради. Шунини ҳисобга олган ҳолда, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режаси халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ўқишини ташкил қилиш чораларини, масалан, унинг Сенат кўмиталари ёки комиссиялари томонидан жойларда вакиллик ҳокимият органлари фаолиятини жадаллаштиришга кўмаклашиш бўйича ташкил қилинадиган семинарларда иштирок этишини кўзда тутиши мумкин.



Масалан, 2010 йилда Сенатнинг ташаббуси билан февраль-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини ўқитиш бўйича «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари» мавзусида, июнда эса вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид асосий вазифаларни белгилаш масалалари бўйича минтақавий семинар-тренинглار ўтказилди.

Юқорида кўрсатилган чоралардан ташқари, халқ депутатлари Кенгаши депутати — Сенат аъзосининг шахсий иш режаси қўшимча равишда қуйидагиларни кўзда тутиши мумкин:

- сенаторнинг Сенат ялпи мажлисларида, Сенат Кенгаши мажлисларида, ўзи таркибига сайланган Сенат қўмитасининг (комиссиясининг) ишида қатнашиши билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш;
- Сенат ялпи мажлисларида, Сенат Кенгаши мажлисларида ҳамда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисларида кўрилган масалалар юзасидан тайёрланиш ва халқ депутатлари Кенгашини хабардор қилиш;

Масалан, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2011 йил 15 июлдаги 333-П/196-П сонли «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида»ги қўшма қарорининг 9-банди билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўз мажлис ва сессияларида ушбу Қўшма қарорни муҳокама қилиш тавсия этилган эди.

- ўзи аъзоси бўлган Сенат қўмитасининг мажлисида кўриб чиқиш учун сенатор ва халқ депутатлари Кенгаши депутати сифатидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тайёрлаш;
- Сенатда ёки Қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда ташкил қиладиган парламентлараро дўстлик гуруҳлари ишидаги иштироки тўғрисида ахборот тайёрлаш;
- сенатор сифатидаги иши билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирлар.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режаси, қоида тариқасида, муайян тарзда тасдиқланиши шарт эмас. Бироқ унинг нусхаси халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг фаолиятига оид хужжатлар ичида бўлиши лозим. Бунда режалаштирилган тадбирларнинг аниқлиги, уларни бажаришнинг қатъий белгиланган муддатлари мавжудлиги ва назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш жадвалига риоя қилиш халқ депутатлари Кенгаши депутатининг иш режаси олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб қолиши керак.

## IV БЎЛИМ.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

## 12-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

Ҳозирги вақтда қатор ваколат ва вазифаларни марказий органлардан маҳаллий ҳокимият органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга босқичма-босқич топшириш жараёни давом этмоқда. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари бўлмиш халқ депутатлари Кенгаши билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш депутатлар корпусининг ишидаги муҳим йўналишдир. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин алоқаси унга нафақат ижтимоий ва иқтисодий соҳалар, коммунал хўжалик, ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ва аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида маҳаллаларга берилган ваколатлар қандай амалга оширилаётганидан боғабар бўлиш, балки ўзи депутат сўрови юбориш ёки халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ва унинг доимий комиссиялари мажлислари муҳокамасига киритиш орқали ҳал эта олиши мумкин бўлган муаммоли масалаларни аниқлашга ҳам имкон беради. Ўз навбатида, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ўз сайлов округи ҳудудида жойлашган маҳаллалар ҳаётида амалий иштироки аҳолининг шахсан унга ва умуман давлатга нисбатан ишончи янада ортишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз маърузаларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи катта аҳамиятга эга эканлигини қўп таъкидлаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида **«Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир»** мавзусида қилинган маърузасида таъкидланганидек, «Бугун маҳалла жойларда фуқароларнинг ҳаётий масалаларини ўз вақтида ва муваффақият билан ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилдир. Фуқароларни, ёшларни руҳан ва маънан тарбиялаш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият кўрсатиши, жойларда ижтимоий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда маҳалланинг ҳиссаси ошиб бормоқда».

Бу вазифаларни ҳал қилишга халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг фаолияти ҳам йўналтирилиши лозим. Шунингдек, улар тегишли қарорлар ишлаб чиқиш орқали маҳалланинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан янада яқинроқ ҳамкорликда бўлишини қўллаб-қувватлашлари ва таъминлашлари зарур. Бугунги кунда мамлакатда ўн мингдан ортиқ фуқаролар йиғинлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тузилган, сайланган халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг сафи эса олти мингтадан ошиб кетди.

Мавжуд анъанага кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказилаётганда сайловнинг бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қарори билан эълон қилинади. Мазкур ҳужжатда одатда сайловларни ўтказиш муддатлари белгиланади, фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳамда фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Комиссиясининг таркиби тасдиқланади. Ушбу қарордаги маълумотларни етказиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида, жойларда ижроия ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ва минтақалар фаоллари томонидан унинг муҳокамаси уюштирилади.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ жойларда фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича комиссиялар тузилади. Бундай комиссияларни тузиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлисларида, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида кўриб чиқилади. Халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг депутатларидан ташқари, сайлов олди тадбирларини ташкил қилишда ўзларининг сайлов округларида давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари сафидан сайланган сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари фаол иштирок этадилар. Марказий ва маҳаллий нашрларда сенаторларнинг фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишнинг турли масалаларига бағишланган чиқишлари чоп этилади.

Бўлиб ўтган сайловларнинг якуни, одатда, ҳамма жойда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлисларида, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг сессияларида кўрилади. Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳат-

чилари учун халқ депутатлари Кенгашларининг ташаббуси билан, олимлар, мутахассислар, тажрибали оқсоқоллар, молия, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари жалб қилган ҳолда ўқув семинарлари ташкил этилади. Бу семинарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил қилиш масалаларини ўрганишга бағишланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нуктаи назаридан маҳаллалар раисларининг ҳуқуқий билимлари савиясини ошириш алоҳида долзарблик касб этади. Хусусан, унда шундай дейилади: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани ҳал қилишда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим».

Шу тарзда халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида ўзаро ҳамкорлиги намоён бўлади.

Халқ депутатлари Кенгаши ва маҳаллаларнинг ўзаро ҳамкорлиги бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлисларида фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ахборотини эшитиш тажрибаси ҳам мавжуд. Бундай мажлисларнинг мавзуси худудни ободонлаштириш, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, аҳоли бандлиги, кичик корхоналар ташкил этиш, томорқалардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда маҳаллаларнинг Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишдаги иштироки масалаларидан иборат бўлиши мумкин. Ундан ташқари, фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) зиммасига халқ депутатлари Кенгаши ва доимий комиссиялари қарорларининг ижросини таъминлаш ҳам юклатилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сиёсий партиялар билан бир қаторда, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди. Фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг, шу жумладан сенаторларнинг сайловчилар, маҳаллада яшаётган фуқаролар билан учрашувларини ташкил қилишда фаол қатнашмоқда. Халқ депутатлари Кенгаши депутатлари ва сенаторлар томонидан, албатта маҳалла фаолларини жалб этган ҳолда, мунтазам равишда аҳоли учун кенг тушунтириш ишлари ва ҳуқуқий тарғибот ташкил қилинмоқда.

### 13-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусида қилган маърузасида оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритиб, таъкидладики, «Бугун ҳаётнинг ўзи фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш масаласини кўндаланг қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, нодавлат матбуот воситалари, радио, телевидение ишини фаоллаштириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириб боришини кенгайтириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлаши, кучли фуқаролик жамиятини изчил барпо этишга ёрдам бериши лозим». Бу ҳолат халқ депутатлари Кенгаши ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш зарурлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар «Народное слово» ва «Халқ сўзи» марказий газеталарида кенг ёритиб борилмоқда, деярли ҳар куни республика телевидениесида, «Ахборот» инфор­мацион кўрсатувида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам ёритиб борилади.

Масалан, 2010 йил давомида Сенатнинг фаолияти тўғрисида, жумладан, ялпи мажлисларда ва Кенгаш мажлисларида кўриб чиқилган масалалар бўйича, шунингдек кўмиталарда олиб борилган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида **9410** та чиқиш қилинди, жумладан республика ва маҳаллий газеталарда, журналларда **4194** та материал чоп этилди, шулардан «Халқ сўзи»да — **135** та, «Народное слово»да — **134** та, «Овози тожик»да — **70** та, «Нурлы жол»да — **69** та, «Правда Востока»да — **38** та, «Uzbekistan Today»да — **38** та, бошқа газета ва журналларда **54** та. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллий матбуот саҳифаларида Сенат ва сенаторлар фаолиятига бағишланган **3 656** та материал чоп этилди. Шу даврда телевидение орқали **2 732** та

от хизматининг Сенат фаолияти тўғрисидаги расмий хабарлари эфирга узатилди. «Сиёсат» студияси томонидан «Парламент соати» рукни остида 20 дақиқалик телекўрсатув доимий равишда олиб борилиб, унда Сенат, унинг кўмиталари ва сенаторларнинг фаолияти ёритиб борилмоқда. Ҳисобот даврида **62** та «Парламент соати» телекўрсатуви ва **19** та «Тахлилнома» эфирга чиқди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий телевидениялари орқали **1247** та материал берилди. Сенат фаолиятини ёритишга бағишланган радиоэшиттиришлар сони кўпайди. Чунончи, 2010 йил мобайнида мамлакат радиоканаллари орқали Сенат фаолияти тўғрисидаги жами **2484** та ахборот материали эфирга узатилди, улардан **1175** таси «Ўзбекистон», «Машъал», «Тошкент», «Ёшлар» республика радиоканаллари ва бошқа каналлар орқали берилган. 2010 йилнинг март ойидан бошлаб «Пойтахт» радиоканалининг «Долзарб интервью» рукнида ҳафтасига 20 дақиқалик радиоэшиттириш бериб борилмоқда. Бундан ташқари, 2010 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шу жумладан шаҳар ва туман радиоканалларида Сенат ва сенаторлар фаолияти тўғрисида **1309** та материал берилди.

Парламентнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси» расмий матбуот нашрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ва уларнинг Кенгашлари қарорларининг матни эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар бир палатаси ўз веб-сайтига эга бўлиб, унда парламент иши тўғрисида тезкор хабарлар жойлаштирилган: юқори палата веб-сайти — [www.senat.uz](http://www.senat.uz), қуйи палата веб-сайти — [www.parliament.gov.uz/ru/](http://www.parliament.gov.uz/ru/).

Масалан, Сенатнинг веб-сайти саҳифаларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида сенаторлар, Сенат тузилишининг ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисида ахборот жойлаштирилиб, Сенат ялпи мажлислари, унинг Кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари материаллари, шунингдек Сенатнинг парламентлараро алоқалари тўғрисидаги ахборот материаллари эълон қилинмоқда. Йил бошидан буён Сенат веб-сайти материаллари билан қарийб **151** минг киши танишди.

Халқ депутатлари Кенгаши фаолияти соҳасида тамомила бошқача вазият юзага келмоқда. Хусусан, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ депутатларининг ҳеч бир Кенгаши халқ депутатлари Кенгашининг тузилиши, депутатлари, улар олиб бораётган ишлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни жойлаштириши мумкин бўлган ўзининг веб-сайтига эга эмас. Шу ўринда айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ўз веб-сайтлари ишлаб турибди. Қайд этиш жоизки, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар вилоят ҳокимликлари веб-сайтлари саҳифаларига жойлаштириб борилмоқда.

Батафсил маълумот олиш учун қуйида кўрсатилган веб-сайтларга мурожаат этиш мумкин:

Номи	Веб-сайт манзили
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	<a href="http://www.sovminrk.gov.uz">www.sovminrk.gov.uz</a>
Андижон вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.andijan.uz">www.andijan.uz</a>
Бухоро вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.buxoro.uz">www.buxoro.uz</a>
Жиззах вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.jizzax.gov.uz">www.jizzax.gov.uz</a>
Қашқадарё вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.qashqadaryo.uz">www.qashqadaryo.uz</a>
Навоий вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.navoi.uz">www.navoi.uz</a>
Наманган вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.namangan.uz">www.namangan.uz</a>
Самарқанд вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.samarkand.uz">www.samarkand.uz</a>
Сурхондарё вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.surxondaryo.uz">www.surxondaryo.uz</a>
Сирдарё вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.sirdaryo.gov.uz">www.sirdaryo.gov.uz</a>
Фарғона вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.ferghana.uz">www.ferghana.uz</a>
Хоразм вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.xorazm.uz">www.xorazm.uz</a>
Тошкент вилояти ҳокимияти	<a href="http://www.tashvil.gov.uz">www.tashvil.gov.uz</a>
Тошкент шаҳри ҳокимияти	<a href="http://www.tashkent.uz">www.tashkent.uz</a>

Вилоят, туман ва шаҳар газеталарида халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг иши ҳақидаги хабарларни эълон қилиш борасида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Даврий нашрларда кўпинча халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари тўғрисида қисқа хабарлар эълон қилинади, халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг иши тўғрисидаги хабарлар эса ундан ҳам кам учрайди. Ҳолбуки, вилоят, туман ва шаҳар газеталарининг бош муҳаррирлари фаоллар сафига киради ва шу сабабли халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида қатнашади.

Халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг долзарб масалалари бўйича интервью берган ёки ўз фикрини билдирган ахборот йўсинидаги материаллар деярли йўқ. Оммавий ахборот воситаларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида қабул қилинадиган қарорлар жуда кам ҳолларда эълон қилинади. Хуллас, жойларда аҳолининг халқ депутатлари Кенгашларининг иши ҳақидаги маълумотлар билан танишишни таъминлашнинг самарали усуллари ҳануз жорий этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан фаркли ўларок, халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий газеталарни ҳисобга олмаганда, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларининг қарорларини эълон қилиб бориш мумкин бўлган ўз матбуот органига шу пайтгача эга эмас. Бу ҳам депутатлар корпуси олиб бораётган ишлардан аҳолини бохабар қилишга тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир. Баъзи ҳолларда халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларининг материаллари бир марталик алоҳида рисола-

лар (брошюралар) кўринишида тарқатилади. Эҳтимол, халқ депутатлари ҳар бир Кенгашида ҳокимият вакиллик органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш бўйича чоралар махсус дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мавжуд ҳолатни тузатишга имкон беради. Бу дастур куйидаги фаолият йўналишларидан иборат бўлиши мумкин.

**Биринчи** — маҳаллий газеталарда:

- халқ депутатлари Кенгаши сессиялари, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ва ҳокимларнинг меъёрий-ҳуқуқий хусусиятга эга қарорлари матнни чоп этиш, шунингдек уларни вилоят ҳокимликларининг веб-сайтларида жойлаштириш;
- халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорлари ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари қарорларининг ижроси яқунларини эълон қилиш, шунингдек бу маълумотларни вилоят ҳокимликларининг веб-сайтларида жойлаштириш;
- халқ депутатлари Кенгашининг фаолияти тўғрисидаги, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иши тўғрисидаги, халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг иши тўғрисидаги ҳисоботларни эълон қилиш.

**Иккинчи** — халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг маҳаллий телевидение, радио ва газеталарда куйидаги тадбирлар якуни бўйича чиқишларини (алоҳида жадвал асосида) ташкил қилиш:

- халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари;
- халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг мажлислари;
- депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўтказган учрашувлари;
- назорат тадбирларини ўтказиш;
- Сенат ва унинг Кенгашининг халқ депутатлари Кенгаши фаолиятига тегишли бўлган қарорларини муҳокама қилиш;
- халқ депутатлари Кенгашининг Сенат кўмиталари (комиссиялари) билан кўшма мажлисларини ўтказиш.

**Учинчи** — маҳаллий газеталарда куйидаги мавзуларга бағишланган ахборот йўсинидаги ва таҳлилий мақолалар эълон қилиш (махсус жадвал асосида):

- ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан жойларда умумдавлат дастурларининг бажарилиши;

Масалан, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ташаббуси билан «Халқ сўзи», «Народное слово» ва бошқа марказий даврий нашрларда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида» рукуни ташкил этилиб, унда Инкирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастури бажарилишининг бориши ҳамда ижрония ҳокимияти органларининг фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш тўғрисидаги материаллар эълон қилинмоқда.



- халқ депутатлари Кенгаши депутатлари томонидан фуқароларнинг му-рожаатлари билан олиб борилаётган ишлар;
- халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг фуқаролар ўзини ўзи бош-қариш органлари билан биргаликдаги ишлари;
- халқ депутатлари Кенгашида ташкил қилинган партия гуруҳларининг ишлари.

## V БЎЛИМ.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРАДИГАН ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## 14-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВ ОКРУГИДАГИ ВА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРАДИГАН ИШЛАРИ

### Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан алоқаси

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан алоқа боғлаб туради, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан доимий алоқаси икки шаклда, яъни тўғридан-тўғри ва қайта алоқа кўринишида амалга оширилиши мумкин. **Тўғридан-тўғри алоқа** — бу халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ўз сайловчиларидан, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш жараёнида оладиган маълумотлари ҳамда депутатнинг сайловчилар билан ўтказадиган учрашувларидир. Халқ депутатлари Кенгаши депутати ўз сайлов округидаги вазиятни доимо таҳлил қилиб бориши ва фуқароларни шикоятлар билан мурожаат қилишига асос бўлаётган сабаб ва шароитларни ўрганиши ҳамда ушбу сабаб ва шароитларни бартараф этишни талаб қилиб, давлат органларининг тегишли мансабдор шахсларига мурожаат этиши, айрим масалаларни эса халқ депутатлари Кенгаши сессиясида кўриб чиқиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқиши лозим. Ушбу мақсадда халқ депутатлари Кенгаши депутати депутат сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқи қонунда берилган. **Қайта алоқа** — бу халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан сайловчиларнинг таклифларининг бажарилиши, ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилиши натижалари тўғрисидаги маълумотлар, қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботлар ва бошқа шу қабилидир. Шунинг учун ҳам халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳисоботи қайта алоқанинг асосий элементи бўлиб ҳисобланади ҳамда у ёрдамида халқ депутатлари Кенгаши депута-

ти сайловчиларга таклиф, ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида маълумотлар бериб боради.

### **Халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан сайловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши депутати ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади. Сайловчиларнинг халқ депутатлари Кенгаши депутатига ёзма мурожаатлари бевосита халқ депутатлари Кенгашига ёки халқ депутатлари Кенгаши депутатининг иш жойига йўлланиши мумкин. Сайловчиларнинг халқ депутатлари Кенгаши депутати — Сенат аъзосига ёзма мурожаатлари эса бевосита халқ депутатлари Кенгашига ёхуд Сенатга йўлланиши мумкин. Агар халқ депутатлари Кенгаши депутати — Сенат аъзоси Сенатда доимий асосда ишлаётган бўлса, қоида тарикасида, ёзма мурожаат Сенатга йўлланади.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати сайловчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига<sup>7</sup> таянмоғи лозим. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида халқ депутатлари Кенгаши депутати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолларини ёки қонун ҳужжатларини бошқа тарзда бузилиши ҳолларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш талаби билан тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда халқ депутатлари Кенгаши депутати «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларига қатъий риоя қилиши шарт. Чунончи, мазкур Қонуннинг 18-моддасида фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади. Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари то-

7 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., № 1, 7-модда.

монидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда жамият ва давлат манфаатларининг бузилишига олиб келаётган сабабларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш мақсадида халқ депутатлари Кенгашининг депутати фуқаролардан келиб тушган таклиф, ариза ва шикоятларни умумлаштириши ва таҳлил қилиб бориши керак. Халқ депутатлари Кенгашининг депутати томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида олган маълумотлар депутат сўровини юбориш, масалани халқ депутатлари Кенгаши сессиясига ёки халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси мажлисига киритиш учун асос бўлиши, халқ депутатлари Кенгаши депутати — Сенат аъзоси учун эса парламент сўровини юбориш ташаббуси билан чиқиши, масалани Сенатнинг ялпи мажлисининг, Сенат Кенгаши, Сенат қўмитаси масжлисининг кун тартибига киритиш учун асос бўлиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларига жавоблари халқ депутатлари Кенгаши депутатининг бланкида расмийлаштирилиши лозим.

Халқ депутатлари Кенгашининг депутати фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва, агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотлар ошкор этилишига йўл қўйилмаслигини ҳисобга олиши керак.

### **Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериши**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ депутат вақти-вақти билан, лекин йилига камида икки марта сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради. Сайловчиларга ахборот бериш ўз мазмунига кўра халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳисоботи бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам ҳисобот аниқ давр мобайнида депутатлик мажбуриятининг бажарилганлиги натижалари тўғрисидаги тўлиқ ва объектив маълумотлардан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари, халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан сайланган сенаторлар ҳам ўзининг Олий Мажлис юқори палатасидаги фаолияти натижалари тўғрисида халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобот бериши керак. Хусусан, халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгашининг депутати ҳисоботида депутатнинг қуйидаги фаолият йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ депутат вақти-вақти билан, лекин йилига камида икки марта

т/р	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	Маълумотлар
1.	Халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ишидаги иштироки	халқ депутатлари Кенгашининг депутати иштирок этган халқ депутатлари Кенгаши сессиялари миқдори;
		<p>халқ депутатлари Кенгаши депутатининг халқ депутатлари Кенгаши сессияларидаги чиқишларининг сони ва мавзуси;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши сессияларида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмуни ва моҳияти, шунингдек қабул қилинган қарорлар мазмуни;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан халқ депутатлари Кенгаши сессияларининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан халқ депутатлари Кенгаши сессияларида кўтарилган сайловчилар манфаатларига дахлдор бўлган масалалар;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши қарорлари ижросининг яқунлари тўғрисидаги маълумотлар.</p>
2.	Ўзи аъзоси ҳисобланган халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг ишидаги иштироки	<p>халқ депутатлари Кенгашининг депутати иштирок этган халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисларининг миқдори;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисларида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмуни ва моҳияти, қабул қилинган қарорлар мазмуни;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисларининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисларида кўтарилган ҳудудий ҳусусиятдаги масалалар;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси қарорларининг ижроси яқунлари тўғрисидаги маълумотлар.</p>

т/р	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	Маълумотлар
3.	Халқ депутатлари Кенгашида тузилган партия гуруҳининг ишидаги иштироки	<p>халқ депутатлари Кенгашининг депутати иштирок этган партия гуруҳи йиғилишларининг миқдори;</p> <p>партия гуруҳи йиғилишларида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмуни ва моҳияти, қабул қилинган қарорлар мазмуни;</p> <p>халқ депутатлари Кенгашининг депутати томонидан партия гуруҳи манфаатидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган ва у томонидан халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлисларига киритилган ҳужжатлар.</p>
4.	Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини бажаришга доир ишлардаги иштироки	<p>халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси мажлислари кун тартибига киритилган Сенатнинг ва Сенат Кенгашининг қарорлари;</p> <p>халқ депутатлари Кенгашининг, депутатнинг ўзи аъзоси ҳисобланган халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиясининг ҳамда халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсан ўзи Сенатнинг ва Сенат Кенгашининг қарорларини бажариш юзасидан амалга оширган ишлари;</p> <p>Сенат ва Сенат Кенгаши қарорларининг бажарилиши яқунлари.</p>
5.	Ижро ҳокимиятининг маҳаллий органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш юзасидан ўтказилган тадбирлардаги иштироки	<p>Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан юборилган депутат сўровлари ва мансабдор шахслар томонидан ушбу депутат сўровларининг кўриб чиқилиши яқунлари тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши сессияларида прокурорни эшитиш яқунлари тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>Сенат қўмиталари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида халқ депутатлари Кенгаши депутатининг иштироки тўғрисидаги маълумотлар.</p>

т/р	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	Маълумотлар
6.	Халқ депутатлари Кенгаши депутатлари учун ташкил этилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлардаги иштироки	<p>халқ депутатлари Кенгаши депутати иштирок этган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар миқдори;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати иштирок этган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг, шу жумладан Сенат ташаббуси билан ташкил этилганларининг мавзулари;</p> <p>Конференциялар ва давра суҳбатлари якуни бўйича қабул қилинган тавсияларнинг (қарорларнинг) мазмуни ва моҳияти.</p>
7.	Сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар	<p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар жойи ва миқдори;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда иштирок этган шахсларнинг сони ва таркиби;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан сайловчилар билан ўтказилган учрашувларнинг мавзулари ва мазмуни;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар (муаммолар);</p> <p>сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда кўтарилган масалаларни (муаммоларни) ҳал қилиш бўйича халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан амалга оширилган ишлар.</p>
8.	Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида қилинган ишлар	<p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан кўриб чиқилган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг миқдори;</p> <p>халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг мавзулари ва таҳлили;</p>
		халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг кўриб чиқиш натижалари.
9.	Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар	халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан маҳаллий босма оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевидениеда қилинган чиқишларнинг сони ҳамда мазмуни.

Бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати ҳисобланган халқ депутатлари туман ёки шаҳар Кенгаши депутатининг ҳисоботида юқорида қайд этилган маълумотлардан ташқари унинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси таркибидаги фаолиятига оид маълумотлар ҳам киритилади. Халқ депутатлари Кенгаши депутати — Сенат аъзосининг ҳисоботида эса қўшимча равишда унинг Сенатдаги, Сенат Кенгашидаги, Сенат қўмитасидаги (комиссиясидаги) ҳамда таркибига ўзи киритилган ишчи гуруҳдаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак.

т/р	Фаолиятининг асосий йўналиши	Маълумотлар
1.	Сенаторнинг Сенат ялпи мажлислари ишидаги иштироки	сенатор иштирок этган Сенатнинг ялпи мажлислари миқдори; сенаторнинг Сенат ялпи мажлисларидаги чиқишлари сони ва мавзулари; Сенатнинг ялпи мажлисларида кўриб чиқилган масалаларнинг, шунингдек қабул қилинган қарорларнинг мазмуни ва моҳияти; сенаторнинг Сенатнинг ялпи мажлислари кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрлаган ҳужжатлари; Сенатнинг ялпи мажлислари давомида сенатор томонидан кўтарилган ҳудудий хусусиятдаги масалалар.
2.	Сенаторнинг Сенат Кенгашининг ишидаги иштироки	Сенатор иштирок этган Сенат Кенгаши мажлислари миқдори; сенаторнинг Сенат Кенгашининг мажлисларидаги чиқишлари миқдори ва мавзулари; Сенат Кенгашининг мажлисларида кўриб чиқилган масалаларнинг, шунингдек қабул қилинган қарорларнинг мазмун ва моҳияти; сенаторнинг Сенат Кенгашининг мажлисларига киритилган масалалар юзасидан тайёрлаган ҳужжатлари; Сенат Кенгашининг мажлислари давомида сенатор томонидан кўтарилган ҳудудий хусусиятдаги масалалар.
3.	Сенаторнинг ўзи аъзо бўлган Сенат қўмитаси ишидаги иштироки	сенатор иштирок этган Сенат қўмитасининг мажлисларининг миқдори; Сенат қўмитасининг мажлисларида кўриб чиқилган масалаларнинг ҳамда қабул қилинган қарорларнинг мазмуни ва моҳияти;



т/р	Фаолиятининг асосий йўналиши	Маълумотлар
		сенаторнинг Сенат қўмитасининг мажлислари кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрлаган хужжатлари; Сенат қўмитасининг мажлислари давомида сенатор томонидан кўтарилган ҳудудий хусусиятдаги масалалар.
4.	Сенаторнинг ўзи аъзо бўлган Сенат комиссияси ёки ишчи гуруҳи ишидаги иштироки	сенатор иштирок этган Сенат комиссиясининг ёки ишчи гуруҳи мажлисларининг миқдори; Сенат комиссиясининг ёки ишчи гуруҳининг мажлисларида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмуни ва моҳияти; сенаторнинг Сенат комиссиясининг ёки ишчи гуруҳининг мажлисларига киритилган масалалар юзасидан тайёрлаган хужжатлари.
5.	Конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлардаги иштироки	сенатор иштирок этган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг миқдори; сенатор иштирок этган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг мавзулари; Конференциялар ва давра суҳбатлари якуни бўйича қабул қилинган тавсияларнинг (қарорларнинг) мазмун ва моҳияти.
6.	Парламентлараро гуруҳлар ишидаги иштироки	парламентлараро гуруҳ номи; парламентлараро гуруҳ мажлисларида муҳокама қилинган масалалар; сенаторнинг парламентлараро гуруҳ таркибидagi иши якунлари.
7.	Парламент йўналиши бўйича хорижий сафарлар	хорижий сафарлар якуни бўйича маълумотлар.
8.	Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар	сенатор томонидан республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевиденида қилинган чиқишларнинг миқдори ҳамда мазмуни.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳисоботи ҳамма учун очиқ бўлиши керак. Шу мақсадда ҳар бир депутат ҳисоботининг нусхаси халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг материалларида сақланиши лозим. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳисоботи маҳаллий газетада эълон қилиниши ёки халқ депутатлари Кенгашининг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши мумкин (агар мавжуд бўлса). Халқ депутатлари Кенгаши депутати ҳисоботини аҳоли ўртасида тарқатиш мақсадида ҳисоботнинг матнини махсус рисола (брошюра) кўринишида чоп этиш мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳисоботи халқ депутатлари Кенгаши до-

имий комиссияси мажлисида ёки халқ депутатлари Кенгаши сессиясида муҳокама қилиниши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳисоботи сайловчилар ва сиёсий партиялар томонидан депутат фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

### **Халқ депутатлари Кенгаши-нинг депутати томонидан депутат сўрови юборилиши**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир. Шу билан бирга маълумотларни талаб қилиб олиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларини бузмаслик даркор. Мазмунида банк ёки тижорат сирлари ёхуд давлат сирлари тўғрисидаги маълумотлар бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга йўл қўйилмаслигини ҳамда уларни талаб қилиб олиш «Банк сирлари тўғрисида»ги<sup>8</sup>, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига зид бўлишини ёдда тутмоқ керак.

Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича тадбирлар доирасида Сенат Кенгашининг 2009 йил 31 июлдаги 653-І-сонли Қарори билан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати томонидан депутат сўровини юборишга оид тавсиялар тасдиқланган. Депутат сўровини юбориш тўғрисидаги қарор халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан мустақил қабул қилинади ва бунинг учун бирор шахснинг розилиги талаб этилмайди. Депутат сўрови давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг битта ёки бир нечта мансабдор шахсларига юборилиши мумкин. Депутат сўрови депутат томонидан фақатгина унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан юборилиши мумкин. Депутат сўровини депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда юборишга йўл қўйилмайди.

Депутат сўрови депутат бланкасида расмийлаштирилади ва сўров ташаббускори томонидан имзоланади (*12-илова*). Депутат сўрови лўнда ва ҳамма учун тушунарли шаклда баён этилиши ҳамда куйидагиларни қамраб олиши лозим:

● депутат сўрови юборилиши сабабларининг қисқача асослари;

- депутат сўрови юборилаётган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва шарифи;

8 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., № 9–10, 144-модда.

9 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., № 5, 232-модда.

- ахборотни (хужжатларни) тақдим этиш ёки тегишли маълумотни текшириш ҳақидаги талаб;
- депутат сўровига жавоб тақдим этиладиган муддат;
- ахборот (хужжатлар) тақдим этилмаган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилиши тўғрисидаги ёзув.

Депутат сўровининг нусхаси депутат сўровини юборган депутат аъзо бўлган халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси раҳбарига маълумот учун тақдим этилади.

Депутат сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровини олган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан депутатга юбориши керак.

Судлар раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас. Депутат сўрови юборилган мансабдор шахс унга ёзма равишда, сўралган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда жавоб бериши шарт. Депутат сўровига жавобни у қайси мансабдор шахсга юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс имзолаши керак.

Депутат сўрови бўйича ахборот халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларида ёки халқ депутатлари Кенгаши сессияларида муҳокама қилиниши мумкин. Депутат сўрови бўйича ахборотни муҳокама қилиш депутат сўрови юборилган мансабдор шахс иштирокида ўтказилади. Депутат сўрови бўйича ахборотни муҳокама қилиш тартиби халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши тўғрисидаги Регламент билан белгиланади.

### **Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши депутати сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши учун зарур шарт-шароитлар билан таъминланади. Ижро этувчи ҳокимият органлари унинг илтимосига кўра хона ажратилишини ташкил этадилар, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар берадилар, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун халқ депутатлари Кенгаши депутатининг таклифига биноан ўзларининг масъул вакиллари юборадилар, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши депутатининг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўрадилар.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан фуқароларни қабул қилиш, қоида тариқасида, ҳокимлик биноларининг шу мақсадда ажратилган махсус хоналарида — депутатлик хоналарида ўтказилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, депутатлик хоналарида компьютер ва кўпайтирувчи техникалардан, республика ва маҳаллий газеталар ҳамда қонун ҳужжатлари матнлари тикилган йиғма жилдлардан ташқари қуйидагилар бўлиши керак:

1.	Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимлик тузилмасини тўғрисида тасаввур ҳосил қиладиган лавҳалар; халқ депутатлари Кенгашининг, халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг, халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг вазифа ва ваколатларини тушунтириб берадиган лавҳалар;
2.	Халқ депутатлари Кенгаши депутатлари фамилиясининг рўйхати, уларнинг иш жойи, лавозими, алоқа телефони кўрсатилган ҳолда;
3.	Халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси, Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иш режалари ҳамда Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг шахсий иш режалари;
4.	Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида маълумотлар;
5.	Халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг ишлари тўғрисидаги маълумот;
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти дастурий чиқишларининг (маърузаларининг) матнлари;
7.	Ҳокимият вакиллик органлари фаолиятига дахлдор бўлган Сенат ва Сенат Кенгаши қарорларининг матнлари;
8.	Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг матнлари;
9.	Ҳокимнинг норматив тусдаги қарорлари.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан фуқароларни қабул қилиш жадвалга асосан амалга оширилади. Фуқароларни қабул қилиш жадвали халқ депутатлари Кенгаши раҳбари томонидан тасдиқланиши мумкин. Фуқароларни қабул қилиш жадвалида халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир депутати томонидан фуқароларни қабул қилиш санаси ва вақти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Шунингдек, жадвалда Сенат аъзоси ҳисобланган халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фуқароларни қабул қилиш санаси ва вақти тўғрисидаги маълумотлар ҳам алоҳида кўрсатилиши мумкин. Фуқароларни қабул қилиш, қоида тариқасида, фуқароларни олдиндан рўйхатга олмасдан амалга оширилади. Фуқароларни қабул қилишда халқ депутатлари Кенгашининг депутатига ҳокимлик ходимлари кўмаклашадилар. Халқ депутатлари Кенгашининг депутати томонидан фуқароларни қабул қилиш ҳамма учун очиқ бўлиши керак. Шу мақсадда Фуқароларни қабул қилиш жадвали махсус ахборотлар лавҳаларига осиб қўйилиши, ҳар ойда маҳаллий газеталарда эълон қилиниши ҳамда бошқа шаклларда аҳоли эътиборига етказилиши мумкин. Фуқароларни қабул қилиш натижалари фуқароларни қабул

қилган халқ депутатлари Кенгашининг депутати, қабул қилинган фуқаролар, шунингдек фуқароларни қабул қилиш жараёнида иштирок этган давлат органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиладиган махсус қайд этиш китобига (журналига) киритилади.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан ўзаро алоқасининг яна бир шакли сифатида юқорида қайд этганимиздек, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашувларини кўрсатишимиз мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш шакли, вақти ва жойи депутат томонидан мустақил белгиланади, учрашув ўтказилиши мўлжалланаётган ташкилот раҳбари билан учрашув ўтказишни олдиндан келишилиши зарур бўлган ҳоллари бундан мустасно. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар билан учрашувлари, қоида тариқасида, корхоналар, муассасалар, маҳаллалар, мактаблар, коллежлар, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида ва бошқа шу каби жойларда ўтказилади.

Сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига, Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасига, Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режасига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Сайловчилар билан режасиз учрашувлар халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан аҳолига халқ депутатлари Кенгаши сессияларида, агар депутат Сенат аъзоси ҳисобланса, Сенат ялпи мажлисларида, Сенат Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириб бериш мақсадларида ўтказилади. Учрашувлар аҳолига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиб бориши тўғрисида маълумот бериш, шунингдек сайлов округидаги аҳолини қизиқтирадиган муаммоли масалаларни аниқлаш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Учрашувлар якунида халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан учрашув вақти ва жойи, учрашув иштирокчиларининг сони ва таркиби, учрашув жараёнида сайловчилар томонида кўтарилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган маълумотнома тузилади (*11-илова*). Ўтказилган учрашувлар тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

### **Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг самарадорлигини баҳолаш**

Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини баҳолаш депутатнинг ўзи томонидан (ўзига ўзи баҳо бериш), ўзи аъзо бўлган халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси томонидан ёки сайловчилар ёхуд сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини

баҳолаш депутатлик фаолиятини кучайтириш, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ижобий тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш, депутатлик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадларида амалга оширилиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини баҳолаш, коида тариқасида, ўтган йилда қилинган ишларининг якуни бўйича амалга оширилади. Бунда якуний хулоса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 январига қадар бўлган давр учун олинади.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини баҳолаш қуйидаги сон ва сифат мезонлари асосида амалга оширилиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини баҳолашнинг сон мезонига қуйидагилар киради:

1.	Халқ депутатлари Кенгаши сессияларидаги иштироки;
2.	Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ишидаги иштироки;
3.	Халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг бажарилган топшириқларининг миқдори;
4.	Халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ва халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг тайёрланган қарорларининг миқдори;
5.	Маҳаллаларда, корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда бевосита ўзи ўтказган ёки уларда иштирок этган учрашувлар миқдори;
6.	Юборилган депутат сўровларининг миқдори;
7.	Сайловчилардан келиб тушган ва кўриб чиқилган ёзма мурожаатларнинг сони (ҳал қилинган мурожаатлар сони ҳисобга олинади);
8.	Оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар, чиқишларнинг миқдори;
9.	Сайловчилар олдида ўз фаолияти тўғрисида берган ҳисоботларининг миқдори;
10.	Туман, шаҳар, вилоят тадбирларидаги (мажлисларидаги) иштироки;
11.	Партия гуруҳлари ишидаги иштироки;
12.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишидаги иштироки.

Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини баҳолашнинг сифат мезонига қуйидагилар киради:

1.	Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этилиши (режалаштириш, таҳлилий ишларни олиб бориш тизими, ахборот ва маслаҳат ёрдамининг кўрсатилиши, фуқароларнинг энг муҳим мурожаатлари бўйича тушунтириш материалларининг мавжудлиги, фуқаролар қабулини ташкил этилиши, қабул натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритилиб борилиши, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатига риоя этилиши, фуқароларнинг мурожаатлари ижро этилиши ҳолатини жойига чиқиб, аризачи иштирокида текшириб кўрилиши);
----	---

2.	Оммавий ахборот воситалари билан ишларни ташкил этилиши (оммавий ахборот воситаларида фуқароларнинг қабул қилиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги ахборотларнинг мавжудлиги, ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги, сайловчиларнинг халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фаолияти тўғрисида ижобий мулоҳазалари мавжудлиги);
3.	Аҳоли муаммоларини ҳал қилиш борасидаги ишларнинг ташкил этилиши;
4.	Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқаси (давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ишидаги иштироки);
5.	Сайлов округида аҳоли билан ишларни янги шакл ва усулларда олиб борилиши (акциялар, байрамлар, танловлар, сўровлар ва ишлашни бошқа ижобий шакл ва усуллари).

Халқ депутатлари Кенгаши депутати ишининг самарадорлигини баҳолаш якунлари қуйидагиларга имкон беради:

- депутатлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган рағбатлантирувчи омил яратилади;
- депутатлик фаолиятининг самарадорлиги ошади;
- халқ депутатлари Кенгаши депутатида сайловчилар олдидаги масъулик ҳиссини ривожлантиради;
- халқ депутатлари Кенгаши депутатида ижодий салоҳиятни янада ривожлантиради;
- халқ депутатлари Кенгашининг энг фаол депутатларини аниқлайди.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатлари фаолиятини баҳолаш якунлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

## 15-БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олинishi мумкин.

### Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш асослари

Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш асослари «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>10</sup> 1-моддасида санаб ўтилган. Чунончи, қуйидагилар халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш учун асос бўлади:

10 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 й., № 1, 12-м.

- халқ депутатлари Кенгаши депутатининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жиноий, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги;
- халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ахлоқ, депутатлик одобининг умумэтироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноҳўя ишлар содир этганлиги;
- халқ депутатлари Кенгаши депутатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

### **Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш**

тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилган сўров ҳам асос бўлиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг қонун ҳужжатларини бузганлигига оид материаллар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши томонидан тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Кенгашининг депутатлик одоби бўйича доимий комиссиясига хулоса тақдим этиш учун топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлик одоби бўйича доимий комиссиянинг ва прокурорнинг хулосаларини эшитиш яқунлари бўйича халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши асослилиги ёхуд асосsizлиги тўғрисида қарор чиқаради. Чақириб олиниши тўғрисидаги масаласи қўйилган халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ҳамда мазкур масалага доир материалларни ўрганган ва тайёрлаган прокурорнинг фикри халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мажлисида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли деб эътироф этилган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органининг тегишли қарори депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилади.



### **Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш**

Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш у сайланган округ сайловчиларининг яширин овоз бериши йўли билан амалга оширилади. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>11</sup> асосида ва халқ депутатлари Кенгаши депутатини сайлаш учун белгиланган тартибда ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатни чақириб олиш масаласи бўйича овоз беришни ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қонунга мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини чақириб олиш бўйича округ комиссияси тузилишини таъминлайди ҳамда овоз бериш вақти ва жойини тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси бу ҳақда тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашини хабардор қилади. Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш ишларини ташкил этиш тегишли округ комиссияси зиммасига юкланади. Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш учун овоз беришга кечи билан йигирма беш кун қолганида овоз бериш участкалари ва кечи билан йигирма кун қолганида участка комиссиялари тузилади. Тегишли сайлов округи сайловчиларининг рўйхатлари овоз бериш кунига кечи билан ўн кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Овоз бериш участкаларини ва комиссияларни тузиш, комиссияларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Округ ва участка комиссияларининг ваколатлари муддати депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш яқунлари чиқарилганидан кейин тугайди.

### **Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш**

Овоз бериш натижалари халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича округ комиссиясининг мажлисида, овоз бериш ўтказилган куннинг эртасига аниқланиб, баённомага киритилади, баённома тегишли Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига юборилади. Агар овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи депутатнинг чақириб олинишини ёқлаб овоз берган бўлса, у чақириб олинган ҳисобланади. Агар овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан ками халқ депутатлари Кенгаши депута-

11 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., № 5, 125-модда.

тининг чақириб олиншини ёқлаб овоз берган бўлса, шунингдек овоз беришда овоз бериш рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш рад қилинган ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг чақириб олиншини ёқлаб ва чақириб олиншига қарши берилган овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, депутат ўз ваколатларини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ёки тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликка йўл қўйилганлиги туфайли овоз бериш натижаларини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Бундай ҳолда такрорий овоз бериш тайинланиб, у «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига риоя этилган ҳолда кечи билан икки ҳафталик муддат ичида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси округ комиссиясидан олинган баённома асосида халқ депутатлари Кенгаши депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижаларини беш кунлик муддат ичида рўйхатга олади ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш яқунлари тўғрисида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилади. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ваколатлари, агар овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, уни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан эътиборан муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади.

**Чақириб олиш ҳақидаги масаласи кўриб чиқилаётганда халқ депутатлари Кенгаши депутати ҳуқуқларининг кафолатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш учун асослар бўлган материаллар тушган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай депутатга тушган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади. Чақириб олиш ҳақидаги масаласи кўйилган халқ депутатлари Кенгаши депутати сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сессиялари ва мажлисларида чақириб олинши ҳақидаги масала кўриб чиқилаётганда иштирок этишга ҳамда ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли. Халқ депутатлари Кенгаши депутатини чақириб олиш ҳақидаги масала кўйилишига сабаб бўлган ёлғон ахборотни би-ла туриб тақдим этган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси тўғрисида

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш механизмини янада такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ваколатларини рўёбга чиқаришда уларга амалий ва услубий ёрдам бериш, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарали ташкил этилиши учун масъулиятини ошириш мақсадида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 22-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси 18 нафар сенатордан иборат таркибда тузилсин *(1-илова)*.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқлансин *(2-илова)*.

3. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга доир 2010–2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тасдиқлансин *(3-илова)*.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга доир 2010–2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан иш режасини ишлаб чиқсин ва уни ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши тасдиғига киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг раҳбарлари жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлар тузсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги 624-I-сонли Қарорининг ижро этилиши ҳақида»ги 709-I-сонли Қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу Қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига ижро учун юборилсин.

8. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига кўриб чиқиш учун киритилсин.

9. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси (М. Раджабова) зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

**И. Собиров**

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 31 март,  
№ 30-II.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2010 йил 31 мартдаги 30-II-сонли Қарорига  
I-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга  
қўмаклашувчи комиссияси  
ТАРКИБИ**

**Комиссия раиси:**

- Раджабова  
Мавжуда Абдуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари

**Комиссия раисининг ўринбосарлари:**

- Сафоев  
Содиқ Солиҳович – Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси
- Хужамбердиев Мамазаир – Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

**Комиссия котиби:**

- Сидиков  
Дамир Лутфуллаевич – Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Комиссия аъзолари:**

- Аимбетов  
Нагмет Каллиевич – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси
- Раджапов  
Маврутали Гапирович – «GM-Ўзбекистон» акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари
- Адизов  
Замир Нарзуллоевич – Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи директори
- Эргашев  
Куракбой Ялгашевич – Мирзачўл туманидаги «Пахтазор» қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директори
- Ибраимов Холбой  
Маткаримов – Навоий давлат педагогика институти ректори
- Пахридин Жураевич  
Тошев Фармон Исакович – Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори
- «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири
- Бурханов  
Алишер Хаджимурадович – Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор
- Арипова  
Шоҳида Раҳматовна – Термиз шаҳар 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори
- Каримов  
Холмурод Абдурахмонович – Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор
- Қўрғонова Раҳимахон – Бувайда педагогика коллежи директори

- |                          |   |   |
|--------------------------|---|---|
| Хўжаниёзова              | – | Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| Шакаржон Юсуповна        |   |   |
| Назаров Тура Абдуллаевич | – | Шахрисабз тиббиёт коллежи директори                               |
| Абдурахимова             | – | Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси  |
| Фарида Юлдашевна         |   |   |

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
2010 йил 31 мартдаги 30-II-сонли Қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга  
кўмаклашувчи комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясини (бундан буён матнда Сенат Комиссияси деб юритилади) тузишнинг мақсади ва вазифаларини, Сенат Комиссиясининг ваколатларини, Сенат Комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда Сенат Комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари (бундан буён матнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари деб юритилади) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Сенат Комиссиясини тузишдан мақсад минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш механизмни такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ваколатларини рўёбга чиқаришда уларга амалий ва услубий ёрдам беришдан, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарали ташкил этилиши учун масъулиятини оширишдан иборатдир.

3. Сенат Комиссияси Сенатнинг аъзолари орасидан Сенатнинг ваколат муддатига тузилади. Сенат Комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига, Сенат, Сенат Кенгаши қарорларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

**II. Сенат Комиссиясининг ваколатлари**

4. Сенат Комиссияси ўз ваколатлари доирасида:

1) ўз ташаббуси билан ёки Сенат, Сенат Кенгаши қарори асосида ёхуд Сенат Раисининг топшириғига мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш

масалалари юзасидан Сенат, Сенат Кенгаши қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

2) Сенат Комиссиясининг фаолиятига доир масалаларни Сенатнинг ялпи мажлислари кун тартибига киритиш ҳақида Сенат Кенгашига таклифлар киритади;

3) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳлар тузади, уларнинг таркибига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасалар вакиллари ва мутахассисларни жалб этади;

4) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини тизимли равишда мониторинг қилиб боради ва шу мақсадда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидан, давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, статистик ҳамда бошқа маълумотларни сўраб олади;

5) ўз мажлиларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти тўғрисидаги, Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ҳамда бошқа давлат дастурларини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштироки ҳақидаги ахборотини тинглайди;

6) Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари хузурида тузиладиган Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлар (бундан буён матнда Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлар деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштиради, ушбу ишчи гуруҳларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотни мунтазам ўз мажлиларида эшитиб боради;

7) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш ҳамда Сенат кўмиталарининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиш механизмнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

8) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятига доир услубий қўлланмалар ва бошқа материаллар тайёрлайди;

9) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг раҳбарлари билан биргаликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан конференциялар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ва бошқа тадбирлар ўтказилишини ташкил этади ҳамда уларни бу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштиради;

10) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ишининг самарадорлигини таъминлаш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-



лари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

11) Сенат Кенгаши мажлисларида ёки Сенатнинг ялпи мажлисларида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради;

12) Сенат Комиссиясининг иш режасини ишлаб чиқади ва Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳларнинг иш режаси ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назорат қилади.

### **III. Сенат Комиссиясининг таркиби**

5. Сенат Комиссияси Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Сенат Комиссиясининг раиси, унинг ўринбосарлари, котиби ва аъзоларидан иборат бўлади.

6. Сенат Комиссиясининг раиси:

Сенат Комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;

Сенат Комиссиясининг мажлисларини чақиради ва олиб боради;

Сенат Комиссиясининг қарорларини имзолайди;

Сенат Комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; бошқа ваколатларни амалга оширади.

7. Сенат Комиссияси раисининг ўринбосарлари Сенат Комиссияси томонидан белгиланадиган ваколатларни амалга оширадилар. Сенат Комиссияси раисининг ўринбосарларидан бири Сенат Комиссияси раисининг йўқлигида унинг вазифасини бажаради.

8. Сенат Комиссиясининг котиби Сенат Комиссияси фаолиятининг самарали амалга оширилишини таъминлайди, Сенат Комиссияси мажлисларининг баённомаларини ва иш юритувини олиб боради.

9. Сенат Комиссиясининг аъзолари айна бир вақтда Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари ҳисобланадилар.

Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлар таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда тегишли ҳудудда жойлашган халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг бир нафардан депутати киритилади. Мазкур ишчи гуруҳлар таркибига, шунингдек бошқа давлат органлари, ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари ва мутахассислар киритилиши мумкин.

Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳларнинг таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида тасдиқланади.

Сенат Комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳларнинг фаолият тартиби Сенат Комиссияси томонидан белгиланади. Ушбу ишчи гуруҳлар фаолиятининг ташкилий жиҳатдан таъминланиши учун жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг раҳбарларига юклатилади.

10. Сенат Комиссиясининг раиси, унинг ўринбосарлари, котиби ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

#### **IV. Сенат Комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш**

11. Сенат Комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Сенат Комиссиясининг мажлислари Сенат Комиссиясининг раиси, у йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан чақирилади.

12. Сенат Комиссиясининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалалар Сенат Комиссиясининг раиси, унинг ўринбосарлари ва аъзолари томонидан киритилади.

Сенат Комиссиясининг мажлислари, агар уларда Сенат Комиссияси аъзоларининг камида ярми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенат Комиссиясининг мажлисларини Сенат Комиссиясининг раиси, у йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

Сенат Комиссиясининг мажлислари очиқ, ошқора ўтказилади. Мажлисларга давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин. Зарурат бўлганда, Сенат Комиссияси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

13. Сенат Комиссиясининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар, Сенат Комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

14. Сенат Комиссиясининг мажлисида баённома юритилиб, у Сенат Комиссиясининг мажлисида раислик қилувчи ва Сенат Комиссиясининг котиби томонидан имзоланади.

15. Сенат Комиссияси ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Сенат Комиссиясининг қарорлари унинг мажлисида иштирок этаётган Сенат Комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан, очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Сенат Комиссиясининг тегишли орган ва ташкилотларга юбориладиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар ҳақида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан хабар қилиниши керак.

16. Сенат Комиссиясининг аъзолари унинг мажлисларида ҳозир бўлишлари шарт. Сенат Комиссиясининг аъзолари Сенат Комиссиясининг мажлисида иштирок эта олмасликлари ҳақида Сенат Комиссиясининг раисини ёки котибини олдиндан хабардор қиладилар.

#### **V. Сенат Комиссиясининг таркибига ҳамда Сенат Комиссияси**

##### **тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

17. Сенат Комиссияси таркибига ҳамда ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар Сенат Кенгашининг қарори билан киритилади.

1-илова

Халқ депутатлари Кенгашининг  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ йилдаги  
\_\_\_\_\_ -сонли қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгашининг

**Иш режаси**  
(намунавий шакл)

т/р	Тадбирлар номи, мақсади ва кутилаётган натижалар	Тадбирларни ўтказиш муддати	Тадбирларни амалга ошириш шакли	Масъул ижрочилар
1	2	3	4	5

Изоҳ:

1. Биринчи устунда тадбирларнинг тартиб рақами кўрсатилади.
  2. Иккинчи устунда тадбир номи ва мақсади кўрсатилади. Мазкур устунда ҳар бир матннинг бошланишини «... рўёбга чиқариш мақсадида», матннинг тугалланишини эса «Тадбир ўтказилиши натижасида...» шаклда ифодалаш тавсия қилинади.
  3. Учинчи устунда тадбирларни ўтказиш муддати, яъни ой, декада оyi, аниқ календарь сана ёки бир неча кундан иборат муддатлар оралиғи кўрсатилиши мумкин. Тадбирлар ўтказиш муддатини белгилашда биринчи ёки иккинчи ярим йиллик, чораклик (бир неча чораклик) каби муддатларни кўрсатиш тавсия этилмайди.
  4. Тўртинчи устунда тадбирларни амалга ошириш шакли кўрсатилади. Тадбирлар турига кўра уларнинг амалга ошириш шакли фарқланади. Масалан, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига киритилган масалалар халқ депутатлари Кенгаши сессиясида муҳокама қилинадиган бўлса, тадбирнинг амалга ошириш шакли бўлиб халқ депутатлари Кенгашининг аниқ масала бўйича қабул қиладиган қарори ҳисобланади, иш режада мансабдор шахснинг ҳисоботини эшитиш бўйича тадбир киритилганда эса — халқ депутатлари Кенгашининг мансабдор шахснинг ҳисоботи бўйича қарори ҳисобланади.
  5. Бешинчи устунда масъул ижрочилар, яъни тадбирларнинг ижроси юқлатилган халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари, ҳокимлик ва бошқа давлат органининг бўлинмалари кўрсатилади.
- Халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига қўшимча равишда олтинчи устун ҳам киритилиши мумкин бўлиб, унда иш режанинг бешинчи устундан кўрсатилган ташкилотлар томонидан тадбирларнинг ўз вақтида ижро

этилиши устидан назоратни амалга оширувчи халқ депутатлари Кенгашининг тузилмалари кўрсатилиши мумкин. Иш режани тузишга бундай ёндашув халқ депутатлари Кенгашида вақтинчалик ёки махсус комиссиялар тузилган ҳолларда қўлланилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ йилдаги  
\_\_\_\_\_ -сонли қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгаши \_\_\_\_\_ доимий комиссиясининг  
Иш режаси  
(намунавий шакл)**

т/р	Тадбирлар номи, мақсади ва кутилаётган натижалар	Тадбирларни ўтказиш муддати	Тадбирларни амалга ошириш шакли	Масъул ижрочилар
1	2	3	4	5

**Изоҳ:**

1. Биринчи устунда тадбирларнинг тартиб рақами кўрсатилади.
2. Иккинчи устунда тадбир номи ва мақсади кўрсатилади. Мазкур устунда ҳар бир матннинг бошланишини «... рўёбга чиқариш мақсадида», матннинг тугалланишини эса «Тадбир ўтказилиши натижасида...» шаклда ифода-далаш тавсия қилинади.
3. Учинчи устунда тадбирларни ўтказиш муддати, яъни аниқ календарь сана ёки бир неча кундан иборат муддатлар оралиғи кўрсатилиши мумкин.
4. Тўртинчи устунда тадбирларни амалга ошириш шакли кўрсатилади. Тадбирлар турига кўра уларнинг амалга ошириш шакли фарқланади. Масалан, халқ депутатлари Кенгашининг иш режасига киритилган масалалар халқ депутатлари Кенгаши сессиясида муҳокама қилинадиган бўлса, тадбирнинг амалга ошириш шакли бўлиб халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг қарори лойиҳаси ва маълумотномалар, доимий комиссия мажлисида муҳокама қилинадиган бўлса доимий комиссия қарори ва маълумотномалари ҳисобланади.
5. Бешинчи устунда масъул ижрочилар, яъни тадбирларнинг ижроси юклатилган халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиясининг аъзоси, давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўрсатилади.

Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг иш режасига қўшимча равишда олтинчи устун ҳам киритилиши мумкин бўлиб, унда иш режанинг бешинчи устундан кўрсатилган ташкилотлар томонидан тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг аъзоси кўрсатилиши мумкин. Иш режани тузишга бундай ёндашув иш режанинг бешинчи устунда

тадбирларнинг ижрочиси сифатида халқ депутатлари Кенгаши таркибига кирмайдиган тузилма кўрсатилган ҳолларда қўлланилади.

**Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгаши \_\_\_\_\_ сессиясининг  
очирилиши тўғрисидаги хабарнома  
(намунавий шакл)**

Депутат \_\_\_\_\_<sup>12</sup>

\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да соат « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ биносида  
Халқ депутатлари \_ Кенгашининг \_ сессиясини ўтказилиши белгиланмоқда.

Халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг кун тартибига қуйидаги ма-  
салалар киритилган:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

**Илова қилинадиган материаллар:**

---

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг ма-  
қоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг би-  
ринчи қисмига мувофиқ депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг  
мажлисларида қатнашиши, овоз беришда Халқ депутатлари Кенгашининг  
регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида иштирок эта олмаслик-  
нинг объектив сабаблари мавжуд бўлганда бу ҳақда \_\_\_\_\_  
(мансабдор шахснинг Ф.И.О., алоқа телефони) олдиндан хабар берилиши  
ва қатнаша олмаслигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши керак.

**Халқ депутатлари Кенгаши  
Раҳбари**

\_\_\_\_\_  
(шахсий имзо ва Ф.И.О.)

**Изоҳ:**

Хабарнома топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқа-  
ли жўнатилиши ёки олинганлигини тасдиқловчи имзо билан қўлга топши-  
рилиши мумкин.

---

12 Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг  
сайлов округи рақами кўрсатилади.



Халқ депутатлари Кенгашининг номи

Халқ депутатлари Кенгаши \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ сессиясининг  
**БАЁННОМАСИ**  
(намунавий шакл)

Жами депутатлар — \_\_\_\_\_  
Сессияда иштирок этган депутатлар — \_\_\_\_\_  
Сессияга таклиф этилган иштирокчилар — \_\_\_\_\_  
Сессияда раислик қилувчи — \_\_\_\_\_  
Сессия котиби — \_\_\_\_\_

**Кун тартиби:**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_

**Сессия регламенти:**

**1. Тингланди** \_\_\_\_\_  
(масала номи)  
(Ф. И. О.) \_\_\_\_\_  
(лавозими ва сайлов округи рақами)

(Маъруза илова қилинади)

**Сўзга чиқдилар:**

(Ф. И. О.) \_\_\_\_\_  
(лавозими ва сайлов округи рақами)

\_\_\_\_\_

(чиқишнинг қисқача мазмуни)

**Қарор қилинди:** Қарор лойиҳаси билдирилган таклифлар, қўшимчалар ва эътирозлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди (илова қилинади)

(Овоз бердилар: ёқлаб \_\_\_\_\_, қарши \_\_\_\_\_, бетарафлар \_\_\_\_\_)



2. \_\_\_\_\_

**Раислик қилувчи** \_\_\_\_\_

(шахсий имзо ва Ф.И.О.)

**Сессия котиби** \_\_\_\_\_

(шахсий имзо ва Ф.И.О.)

Халқ депутатлари Кенгашининг \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
 \_\_\_\_\_ сессиясида иштирок этган депутатлар  
**РЎЙХАТИ**  
 (намунавий шакл)

Жами депутатлар \_\_\_\_\_  
 Бўш жойлар \_\_\_\_\_

**Иштирок этдилар:**

т/р	Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг Ф. И. О. ва парти- явийлиги	Сайлов округи рақа- ми	Асосий иш жойи ва лавозими
1	2	3	4
			доимий комиссияси
			доимий комиссияси
			доимий комиссияси
			доимий комиссияси

**Иштирок этмадилар:**

т/р	Халқ депутат- лари Кенгаши депутатининг Ф. И. О. ва парти- явийлиги	Сайлов округи рақами	Асосий иш жойи ва лавозими	Иштирок этма- ганлигининг асоси
1	2	3	4	5

**Изоҳ:**

1. Иккинчи устунда Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фамилияси, исми ва отасининг исми, партиявийлиги ва доимий комиссиядаги лавозими кўрсатилади. Биринчи бўлиб доимий комиссия раиси, кейин доимий комиссия раиси ўринбосари, ундан сўнг доимий комиссия котиби ва шундан сўнг доимий комиссия аъзолари алфавит тартибида кўрсатилади.

Агарда Халқ депутатлари Кенгаши депутати айна вақтда Сенат аъзоси ҳисобланса, у ҳолда иккинчи устунда унинг Сенатнинг қайси қўмитаси таркибига кириши ва қўмиладаги лавозими кўрсатилади.

2. Тўртинчи устунда депутатнинг асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозимининг тўлиқ номи ҳамда у ишлаётган ташкилотнинг почта манзили кўрсатилади.
3. Бешинчи устун депутатнинг сессияда иштирок этмаганлигининг сабабини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида (қасаллиги, хизмат сафарида эканлиги ва ҳоказо) тўлдирилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
 \_\_\_\_\_ сессиясига таклиф этилиб, иштирок этган шахслар  
**РЎЙХАТИ**  
 (намунавий шакл)

Жами таклиф этилган шахслар \_\_\_\_\_

т/р	Таклиф этилган шах- снинг Ф.И.О.	Таклиф этилган шах- снинг лавозими	Ташкилотнинг почта манзили
1	2	3	4

**Изоҳ:**

1. Агар таклиф этилган шахс халқ депутатлари Кенгаши сессиясида бевосита ўзи иштирок этаётган бўлса (сўзга чикувчи, маърузачи, қўшимча маърузачи, эксперт, мутахассис, ҳисобот бераётган мансабдор шахс ва ҳоказо), у ҳолда иккинчи устунда мазкур шахс халқ депутатлари Кенгаши сессиясига қай мақсадда чақирилганлиги кўрсатилади.

2. Агар таклиф этилган шахслар орасида бошқа халқ депутатлари Кенгаши депутатлари иштирок этаётган бўлса, масалан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг кенгайтирилган сессияси ўтказилаётганда у ҳолда қуйида келтирилган шаклдаги алоҳида рўйхат тузиш тавсия этилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
 \_\_\_\_\_ сессиясига таклиф этилиб, иштирок этаётган халқ депу-  
 татлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари  
**РЎЙХАТИ**  
 (намунавий шакл)

т/р	Депутатнинг лавози- ми, Ф.И.О. ва халқ де- путатлари Кенгаши- нинг номи	Сайлов округи рақа- ми	Асосий иш жойи ва лавозими



Халқ депутатлари Кенгашининг номи

**ҚАРОРИ**  
(намунавий шакл)

\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ -сон

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Қарор номи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Юқорида баён этилганларга асосан халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгашининг \_\_\_\_\_ доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Халқ депутатлари \_\_\_\_\_

Кенгаши Раҳбари \_\_\_\_\_

(шахсий имзо ва Ф.И.О.)



Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгаши \_\_\_\_\_ доимий комиссиясининг  
\_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ мажлисининг  
**БАЁННОМАСИ**  
(намунавий шакл)

Доимий комиссиянинг жами аъзолари — \_\_\_\_\_  
Мажлисида доимий комиссиянинг иштирок этган аъзолари — \_\_\_\_\_  
Мажлисга таклиф этилган иштирокчилар — \_\_\_\_\_  
Мажлисида раислик қилувчи — \_\_\_\_\_  
Котиб — \_\_\_\_\_  
Мажлисни очди \_\_\_\_\_  
(Ф. И. О.)

**Кун тартиби:**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_

**Тингланди:** \_\_\_\_\_  
(Маъруза илова қилинади)

**Сўзга чиқдилар:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(нутқларнинг қисқача мазмуни)

**Қарор қилинди:**

(Овоз бердилар: ёқлаб \_\_\_\_\_, қарши \_\_\_\_\_, бетарафлар \_\_\_\_\_)

**Халқ депутатлари Кенгаши**  
**доимий комиссиясининг раиси** \_\_\_\_\_  
(Ф. И. О., имзо)

**Халқ депутатлари Кенгаши**  
**доимий комиссиясининг котиби** \_\_\_\_\_  
(Ф. И. О., имзо)



**Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг номи**

**ҚАРОРИ**  
(намунавий шакл)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ -сон

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Қарор номи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Юқорида баён этилганларига асосан халқ депутатлари \_\_\_\_\_ Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш \_\_\_\_\_ зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.
5. Ушбу қарор кўриб чиқиш учун \_\_\_\_\_ юборилсин.
6. Ушбу қарор \_\_\_\_\_ (вилоят, туман, шаҳар) газетасида эълон қилинсин.

**Халқ депутатлари Кенгаши**  
**доимий комиссиясининг раиси<sup>13</sup>** \_\_\_\_\_

(Ф. И. О., имзо)

13 Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг раиси йўқлигида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарори мажлисда раислик қилувчи халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияси раисининг ўринбосари томонидан имзоланади.

**Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг шахсий иш режаси**  
(намунавий шакл)

<b>Фаолиятнинг асосий йўналишлари</b>	<b>Тадбирлар номи</b>	<b>Тадбирларни ўтказиш муддати</b>	<b>Ташкилотлар, мансабдор шахслар</b>
1	2	3	4
1. Халқ депутатлари Кенгаши сессиялари ишида иштирок этиш	1.1. ...		
	1.2. ...		
2. Халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ишида иштирок этиш	2.1. ...		
	2.2. ...		
	2.3. ...		
3. Партия гуруҳининг ишида иштирок этиш	3.1. ...		
	3.2. ...		
4. Депутатнинг сайлов-чилар, сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаши	4.1. ...		
	4.2. ...		
	4.3. ...		
	4.4. ...		
	4.5. ...		
	4.6. ...		
	4.7. ...		
5. Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш (оммавий ахборот воситаларида чиқишлар)	5.1. ...		
	5.2. ...		

**Изоҳ:**

1. Иккинчи устунда режалаштирилган тадбирлардан ташқари, тадбирларни ўтказиш жойи ҳам кўрсатилади. Мисол учун, агар сайловчилар билан учрашув ўтказиш режалаштирилган бўлса, учрашувни ўтказиш мўлжалланаётган жой ҳам кўрсатилади.

2. Тўртинчи устунда халқ депутатлари Кенгаши депутати томонидан режалаштирилган тадбирларни амалга оширишга жалб этиладиган ташкилотлар ва мансабдор шахслар кўрсатилади. Мисол учун, Халқ депутатлари Кенгаши депутатига сайловчилар билан учрашув ўтказиш учун хона ажратадиган ташкилот раҳбари ёки ушбу учрашувга таклиф этиладиган давлат органининг мансабдор шахси кўрсатилиши мумкин.



11-илова

**Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сайловчилар  
билан учрашуви натижалари тўғрисидаги  
АХБОРОТ МАЪЛУМОТНОМАСИ**  
(намунавий шакл)

\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да соат « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ биносида \_\_\_\_\_  
(аҳоли, ташкилот ходимлари, ўқувчилар) билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда \_\_\_\_\_ та аҳоли иштирок этди. Шундан \_\_\_\_\_ таси ма-  
ҳаллалар аҳолиси, \_\_\_\_\_ таси давлат органлари вакиллари, \_\_\_\_\_ та-  
си оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалардир.

Учрашув мавзуси этиб \_\_\_\_\_ белгиланди.

Учрашув жараёнида сайловчилар томонидан қуйидаги муаммоли маса-  
лалар кўтарилди:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Сайловчилар томонидан кўтарилган муаммоли масалаларни ҳал қилиш  
учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

**Халқ депутатлари**

**Кенгашининг депутати** \_\_\_\_\_

(Ф. И. О., имзоси)



Халқ депутатлари Кенгаши депутати

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(депутат сўрови юборилаётган дав-  
лат органи раҳбари)

**ДЕПУТАТ СЎРОВИ**  
(намунавий шакл)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(муаммоли масаланинг асосий мазмуни)

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақо-  
ми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига муво-  
фиқ Сиздан қуйидаги масалалар бўйича ахборот беришингизни сўрайман:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Депутат сўровига жавобни депутат сўровини олган кундан эътиборан  
10 кундан кечиктирмасдан тақдим этишингизни сўрайман.

**Халқ депутатлари**  
**Кенгаши депутати** \_\_\_\_\_

(Ф. И. О., имзоси)



Сенат  
Олий Мажлиса  
Республики  
Узбекистан

Программа  
Развития Организации  
Объединенных Наций  
в Узбекистане

12-ИЛОВА



*Uzbekistan*

**МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ  
ПО НЕКОТОРЫМ АСПЕКТАМ ОРГАНИЗАЦИИ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОБЛАСТНЫХ, РАЙОННЫХ  
И ГОРОДСКИХ КЕНГАШЕЙ  
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ,  
ИХ ПОСТОЯННЫХ КОМИССИЙ  
И ДЕПУТАТОВ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ  
ОРГАНОВ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ**

